



# MILLIY TIKLANISH

36 (357) ● 2015 йил 9 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Партия гуруҳларига маҳаллий Кенгаш сессияларида олиб чиқиладиган масалалар бўйича таклифлар концепцияси тақдим этилди

ЎзМТДП Китоб туман кенгаши ташаббуси билан ўтган форумда 12 нафар иқтидорли хотин-қиз тақдирланди

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи 6 ой мобайнида 47 депутатлик сўровини амалга оширган

МУСТАҚИЛЛИК

24

ЙИЛ



## Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

Муносабат

### Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик шодиёналари юртимиз бўйлаб кўтаринки кайфиятда давом этмоқда. Ҳар бир юртдошимиз сўзи ва қиёфасида бугунги ёруғ кунлар шукронаси зоҳир. Зеро, мустақиллик халқимиз ҳаётининг мазмун-моҳиятини бутунлай ўзгартириб, тарихимизда буткул янги саҳифа очган буюк воқеадир. Бу давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрида алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, Юртбошимиз ўз сўзида мустақиллик берган улкан неъматлар, мамлакатимиз тобора обод, ҳаётимиз фаровон бўлиб бораётгани, тўғри ва ҳар томонлама оқилона йўл танлашиб, унинг самарасида дунё мамлакатлари орасида муносиб ўрин эгаллаётганимизни қайд этди. Президентимизнинг нутқини тинглаб, ҳар бир ватандошимиз шу файзли юрда яшаётганидан яна бир қарра бахтиёрлик ҳиссини туйгани, қалбида мамлакатимиз равнақи йўлида матонат билан меҳнат қилиш шижоати жўшургани шубҳасиз.

> 2-бет.

Истиқлол шуқуҳи



### Ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор байрами

партия ташкилотларида мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятлар кенг тарғиб этилмоқда

Бугунги ўзбек аёли — тадбиркор, раҳбар, оlima, фермер... У ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида фаол иштирок этаётир. Истиқлол ана шундай имкониятни тухфа этди, ўзбек аёлининг қаддини тиклади, қадрини юксалтирди. Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамиятдаги мавқеини янада ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

> 2-бет.

Ушбу сонда:


Ўзаро алоқадорликда фаолият олиб бориш

амалий ишларга йўл очади

> 4-бет.

Аргентина миллий конгресси

икки палатали бўлиб, депутатлар 4 йил, сенаторлар 6 йил фаолият кўрсатиш имкониятига эга



> 7-бет.

Электорат минбари

### Ёш авлод камолоти йўлида

партия ташкилоти билан ҳамкорликка тайёрмиз

Истиқлол йилларида ёш авлодни интеллектуал салоҳияти юксак, маънан етуқ, жисмонан соғлом ва малакали кадрлар қилиб тайёрлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бунинг самарасида энг катта суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ёшлар бугун жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бормоқда.

Уч мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламиз нафақат ўзининг бағрикенг, оққўнгил ва меҳмондўст одамлари, балки зукко ҳамда билимга чанқоқ ёшлари билан ҳам ажралиб туради. Улар орасида билимлар беллашуви, фан олимпиадалари совриндорлари, спортда анча-мунча муваффақиятларни қўлга киритаётган йигит-қизлар кўп.

Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган давр навқирон авлод вакиллари билан бир неча касб-хунарни пухта эгаллашни, чет тилларини мукамал ўрганиш ва ахборот технологияларидан самарали фойдалана олишни тақозо этмоқда. Минг шукр-

ки, истиқлол шарофати билан фарзандларимизнинг янада билимли, иқтидорли бўлиши учун мамлакатимизда барча шароит яратилмоқда.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ таълим масканларида "ZiyoNET" таълим-ахборот тармоғининг ишлаётгани ҳам ана шундай амалий ҳаракатлардан биридир. Шу асосда юртимиз таълим муассасалари изчил равишда Интернет тармоғига уланмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу борада туманимизда олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш, ёшларимиз учун

таълим-ахборот маконини яратиш зарурати мавжуд. Бунинг учун қонуний асослар, имкониятлар бор бўлса-да, айрим мутасадди ташкилотларнинг фаоллиги етишмаяпти. Сайловолди Платформасида ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш масаласини алоҳида вазифа этиб белгиланган ЎзМТДП ўзининг ҳудудий ташкилотлари ва барча даражадаги депутатлари кўмағида масалани ижобий ҳал этиш имконига эга. Қарор ижросини таъминлаш фарзандларимизнинг интеллектуал етуқ, теран тафаккур эгаси бўлиб улгайишларига хизмат қиладди. Бу жараёнда биз маҳалла фаоллари, устоз-мураббийлар, ота-оналар ҳамкорликка тайёрмиз.

Сайдали ДЕҲҚОНОВ, Бешариқ туманидаги "Шодлиқобод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Депутат сўров киритди

Бугунги кун депутатларининг ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш жараёнидаги иштироки ҳақида кўп гапиримиз. Хўш, мазкур иштирок, асосан, қай жиҳатларда намоён бўлади? Назаримизда, бу, энг аввало, депутатлик мансаб эмас, балки масъулият эканлигини чуқур англаган, эл-юрт, электорат манфаатлари учун хизмат қилишни ўзининг асосий вазифаси деб билган депутатларнинг ўз ваколатларидан унумли фойдаланишида кўринади.

### Ички йўллар ҳам равон бўлмоқда

бунда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳининг ҳам ҳиссаси бор

Сайловчи ва электорат ишончини қозониш, партия дастурий вазифаларини амалга ошириш, ҳудудларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда депутатларнинг иштироки, яъни депутатлик сўрови институтидан фойдаланиш энг таъсирчан усуллардан бири саналади. Шу ўринда маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар жорий йилнинг шу даврига қадар мингдан зиёд депутатлик сўровини амалга оширганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

> 4-бет.

Табиат — ўқитувчи, шахс — ўқувчи, уққан эса миллат

Ҳар қандай тирик мавжудот яшаш учун курашар экан, бу йўлда яхши-ёмон синовлардан ўтишга мажбур, яхшисидан фойдаланади, ёмонидан ҳимояланади, яъни доим рақобатда бўлади



> 5-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz  
сайтида ҳам ўқинг!

# Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Тантанали маросимда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодийтимиз ва унинг тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодий-тизимнинг рақобатдошлигини ошириш, жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаш асосий вазифамиз сифатида эътироф этилди. Дарҳақиқат, юртимиз тараққиётини янада юқори босқичга кўтариш, ҳар соҳадаги ютуқлар кўламини кенгайтириш, қўлга киритилган натижаларни мустаҳкамлаш, эркин фаолият олиб бориш учун барча қулайлик, шарт-шароит ва ҳуқуқий асослар яратилган. Узоқ ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар давом этаётган бир пайтда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик ва барқарорлик хотиржам яшаш, эмин-эркин фаолият юритиш, олдимизга қўйган юксак мақсад-вазифаларни амалга оширишда муҳим омили бўлаётди.

Энг катта бойлигимиз — тинчликни мустаҳкамлаш, осяда ҳаётни таъминлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, балки ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчи эканини юртдошларимиз яхши англайди. Юртбошимизнинг "... бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Бу — ўзбек халқининг истиғи, бу — ўзбек халқининг мақсади, бу — ўзбек халқининг қароридир", деган сўзлари ҳақиқатан ҳам ҳар биримизнинг дилимиздаги гаплардир. Оммавий ахборот воситалари орқали дунёнинг турли бурчларида кечаётган нотинч вазият, беқарорликдан азият чекаётган фуқаролар ҳақида ҳар кун хабардор бўлиб турибмиз. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деганларидай дунё саҳнидаги ана шундай таҳликали бир вазиятда ўзбек халқи юртимиздаги тинч-осойишталикка шукрона айтиб, ўз ҳаётдан, турмушдан мамнун бўлиб яшамоқда. Ёркин келажакка ишонч ва фарзандлари бахти-камолини кўриш ҳаваси билан, бошлаган эзгу ишларини шижоат ила давом эттириб умргузаронлик қиляпти.

Бугунги фаровон, тинч ва обод кунларимизнинг қадрига етиш, турли соҳаларда эришган ютуқларимизни мустаҳкамлаш барчанинг, жумладан, ЎзМТДП сафидаги ҳар бир вакилнинг зиммасига катта масъулият юклайди.

Козим **ТОЖИЕВ**,  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

# Юртимизнинг ҳар бир гўшаси обод бўлаётир

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда истиқлол берган улкан имкониятлар, унинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратди. Дарҳақиқат, айнан мустақиллик халқимизга эркинлик ва озода ҳаёт қилди, ўзлигимиз, шаънимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимиз, тилимиз, муқаддас динимиз, қадрият ва урф-одатларимизни қайта тиклади. Алоҳида гурур ва ифтихор билан айтиш керакки, мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодий тез суръатлар билан ўсиб, ҳатто, жаҳон молиявий инқирози даврида ҳам иқтисодий-тимизнинг йиллик ўсеш суръати 8 фоиздан паясайган йўқ. Бу, энг аввало, аҳоли фаровонлигида, уларнинг ҳаёт даражаси муттасил ўсаятганида яққол намоён бўлмоқда.

Мустақиллик шарофати, мард ва матонатли халқимиз тарихан қисқа даврда амалга оширган оламшумул ишлар тўғрисида шухаб ва қишлоқларимиз, бугун мамлакатимиз қиёфаси тобора чирой очиб бораётир. Буни айни пайтда Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ва изчил давом этаётган қишлоқ ва бунёдкорлик ишларида ҳам яққол кўриш мумкин. Бугун вилоятимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Ҳар бир шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаган замонавий, кўркам маиший ва турар жой бинолари, муҳташам иншоотлар, барча қулайликларга эга мусика ва санъат мактаблари, баҳаво дам олиш масканлари, раван йўллар аҳолининг ўз ҳаётини давом эттириш учун хизмат қилмоқда. Турли ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий ва оилавий тадбиркорлик фаолияти эса аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда вилоят иқтисодий ривожига алоҳида ўрин тутмоқда. Бу эса халқимиз турмуш фаровонлигининг тобора юксалаётгани, аҳоли ўрттача умр кўриш даражасининг ошаётганида ўз аксини топмоқда. Бугун ана шундай имкониятлардан баҳраманд бўлиб яшаётган ҳар бир инсон, айниқса, ўсиб келаятган ёш авлод бу неъматларнинг қадрига етиши, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўйиши лозим.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, ўзлигимизни чуқур англаш, истиқлол роҳига садоқат каби дастурий мақсад-вазифаларини изчил, босқичма-босқич ва тизимли амалга ошириш, бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қўмаклашиб келаётир. Бу жараёнда партияимиздан сайланган халқ вакили сифатида фаол иштирок этиш, юртимиздаги барқарорлик, тинчлик-осойишталикнинг аҳамиятини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш борасида ўрнатилган бўлиши лозим. Зотан, фуқароларда Ватан тақдирини ҳамда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш эзгу ишларимиз бардавонлигида муҳим аҳамият касб этади.

Азимбой **ЁРМЕТОВ**,  
халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашига  
ЎзМТДПдан сайланган депутат,  
"Шовот темир бетон"  
хусусий корхонаси раҳбари

# Эл-юртга таянч бўламиз

"Ишонман, барча-барчангиз сизга мансуб бўлган куч-ғайрат ва қатъият, изланиш ва яна бир бор изланиш, замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштириш билан ўз олднингизга қўйган эзгу мақсадларга албатта эришасиз, жамиятимизда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллашасиз.

Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, эртанги кун — келажак сизники!" Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ёшларга қарата айтган сўзлари юртимизда яшаётган ҳар бир йигит-қизнинг қалбини фахр-ифтихорга тўлдириб, уларни ўз олдига юксак мақсадлар қўйган ҳолда ўқиб-изланишга ундаётир. Давлатимиз раҳбари раҳнамоллигида ўсиб келаятган ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан камолга етиши, жамиятда муносиб ўрин топиши учун барча шароит яратилган.

Мактабга мустақиллик учун ҳаракатлар бошланган йилларда чиққанман. Ҳозир қишлоқда келган ўша пайтларни эсласам, деворларни нураган бино, алмисоқдан қолган ноқулай парта, қиш кунларида кўмир туйнудан димикқан синфхона, саноклигина ўқув қуроллари кўз олдимда гавдалангани. У пайтдаги шароитни ҳозирги мактаблар ва ўқув жараёнлари билан таққослаганда, бугунги ёшларга роса хавасим келади. Мустақиллик фарзандларининг диди нозик, қарашлари теран, замон билан ҳамнафас — унча-мунча шароити оддий кўринишдаги ўқув қуролларини назарга олишмайди. Албатта, бу — истакларимиз юксалиб, эҳтиёжларимиз ошиб, ҳаётимизнинг фаровонлашиб бораётганидан дарак.

Истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб эски тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган мутлақо янги тизим асосида ёш авлод тарбияланмоқдаки, бугун улар бутун халқнинг, мамлакатнинг таянчи ва суянчи, буюк ишларга қодир куч сифатида майдонга чиқмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, кампада икки-учта касб-хунарни, чет тилларни, Интернет ва ахборот технологияларини, замонавий билим чўққилларини эгаллаган, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр бўлган, кўзи ёниб турган йигит-қизларимиз бугун жамиятимизнинг ҳақиқатан ҳам халқ қилувчи кучига айланиб, ҳаётга кирмоқда.

Келажакимиз эгаларини ҳар томонлама соғлом инсон қилиб тарбиялаш жараёнида маслақдошларимизнинг қўнчилиги ёшлардан иборат бўлган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам фаол иштирок этишга интиломоқда. Партия юртимизда олиб борилаётган ишларга оид давлат сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда қатор лойиҳа ва форумлари орқали ёш авлод тарбиясига қўмаклашиб келади. ЎзМТДП айниқса, миллий онг инсонда Ватанга муҳаббат ҳис-туйғусини оширишда, ҳар томонлама етух шахсни тарбиялашда бебаҳо ички омил эканлигидан келиб чиқиб, миллий ўзлик туйғусининг уйғониши ва тобора мустаҳкамлашиб бориши йўлида қатъий фаолият олиб боради. Ёшларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига қўмаклашадиган маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашади. Бир сўз билан айтганда, партияимиз ўз сазой-ҳаракатлари билан Президентимиз ишонч билдиргани каби ёшларнинг эл-юрт таянчи бўла оладиган инсон сифатида улайишига, миллий мустақилликни, тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш руҳида камолга етишида қўмақдош бўлади.

Ақбар **ЖИЯНОВ**,  
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия  
қўмитаси девони бош мутахассиси

## Истиқлол шуқуқи



# Ўзликни англаш, миллий гурур ва ифтихор байрами

партия ташкилотларида мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятлар кенг тарғиб этилмоқда

< Давоми.  
Бошланиши 1-бетда.

Хотин-қизларга берилган қатор имтиёзлар, таъсис этилган давлат мукофотлари аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилаётир. Юртимиздаги истеъдодли қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти улар учун юксак эътироф, фахр-ифтихорга айланди. Бугунгача илм-фан, таълим, маданият, санъат ва адабиёт, спорт йўналишларида юздан зиёд иқтидорли қизлар ана шундай мукофотга сазовор бўлди. Шунингдек, анъанавий тарзда ўтказилаётган "Ниҳол" кўрик-танлови ҳам бугунга қадар юзлаб иқтидорли хотин-қизларни кашф этишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Ташаббус" кўрик-танлови эса ҳар йили ўнлаб ташаббускор ва тадбирли хотин-қизларни элга танитмоқда.

Қашқадарё. "Бетақороримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташкил этган хотин-қизлар форумида аёлларга яратилаётган имкониятларнинг мазмун-моҳияти, унинг ижтимоий аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Тадбирда партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, хунарамандлар, турли соҳаларда самарали фаолият олиб бораётган хотин-қизлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиди.

"Энг моҳир миллий либос дизайнери" йўналишида голиб бўлган мени янги лойиҳалар, янги ташаббусларга ундаётир, — деди форум қатнашчиси Умида Фозилова. — Ҳозир миллий руҳ билан бойитилган янги дизайндаги кийимлар лойиҳаси устида ишляпман. У хоҳ аёллар, хоҳ болалар кийими бўлсин, энг аввало, миллий анъаналаримизга, кийинчи маданиятимизга мос келиши лозим. Чунки либосларимиз — миллий гуруримиз манбаи ҳамдир. Хотин-қизлар форумида миллий либослар дизайнерлари ўртасида танлов ташкил этилгани партиянинг миллий қадриятларни ҳимоя қилувчи сиёсий куч сифатидаги нуфузини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Бундан ташқари, мазкур танлов шу йўналишда фаолият олиб бораётган дизайнерлар учун тажриба алмашишга ҳам имкон яратди.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол йилларида миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва уни келажак авлодга етказиш масаласига долзарб вазифа сифатида эътибор қаратилаётир. Миллий хунарамандчилик турларининг қадр топиши, оилавий корхоналарнинг ташкил этилиши бевосита истиқлол билан боғлиқ. Бу аҳолининг, айниқса, хотин-қизларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

— Биринчи марта кашта тиканимда 6 ёшли қизалоқ эдим, — дейди чирокчилик Сунбула Келдиёрова. — Ушандан буён шу касб-

га меҳрим чексиз. Каштанинг майин иллари ва ранг-баранг нақшлари мени ўзига ром этган. Момоларимиздан мерос хунари билан шуғулланаётганимдан фахрланаман. Истиқлол тўғрисида миллий қадриятларимиз қадр топди. Бугун юзлаб қизлар каштачилик сирасорини ўрганиб келаятди. Чунки хунари инсонни бахт-саодатга элтади. Келажакда каштачилик йўналишидаги ишларимни давом эттириб, оилавий корхона ташкил этмоқчиман. Бу момомерос касбини янада ривожлантиришга, ҳам оилам фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Китоб туманида ўтказилган мазкур форумда "Миллийликни тасвирловчи энг ёш мусаввир", "Энг моҳир миллий хунараманд", "Энг моҳир миллий ўйинчоқлар устаси", "Энг моҳир миллий қўшиқ ижрочиси" каби 12 йўналишда истеъдодли хотин-қизлар аниқланди.

Сурхондарё. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислохотларнинг туб моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш Денов туманида бўлиб ўтган тадбирнинг ҳам бош мақсадига айланди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши девони ходимлари, ЎзМТДПдан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиди.

Тадбирда мамлакатимиз маданияти ҳақида юз берган ўзгаришлар, оға-боболаримизнинг илмий ва адабий меросини чуқур ўрганишга қаратилаётган эътибор, уларнинг мангу қўним топан жойларини обод қилиш борасида олиб борилган улкан бунёдкорлик ишлари хусусида сўз борди. Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд сингари бобокалонларимизнинг сўнги манзиллари кўркам ва фойзли зиёратгоҳларга айлантирилди. Бугун бундай гўшаларга борган ҳар би киши руҳан ором топади, энгиллик ҳис этади. Буюк аждодларимизнинг табиқатини билан ҳақли равишда фахрланади. Истиқлол бизга ана шундай имкон яратди. Шу маънода мустақиллик биз учун миллий ўзликни англаш, миллий гурур ва ифтихор байрамидир.

Сурхондарё ҳам юртимизнинг энг қадимий гўшаларидан бири. Бу

заминда дунё илм-фани, маданияти, санъати ва адабиётига беқиёс ҳисса қўшган алломалар камол топан. Сурхон воҳасидан етишиб чиққан биргина Ҳаким ат-Термизийнинг сўнмас мероси бутун башариётнинг илмий хазинасига айланган. Унинг ҳуқуқшунослик йўналишидаги асарлари дунёнинг қатор нуфузли университетларида ҳозиргача ҳам қўлланма сифатида ўқитиляпти. Истиқлол шарофати билан мамлакатимиз ёшлари ҳам унинг меросини ўрганмоқда.

Истиқлол йилларида Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги нишонлангани воҳанинг қадим-қадимдан тамаддун бешикларидан бири эканига яққол далил. Бу ҳар бир сурхондарёликни ҳақли равишда гурурлантиради. Халқаро миқёсда "Алломиш" дostonининг 1000 йиллиги нишонланиши эса кураги ерга тегмаган полвонлар юртида чинакам байрамга айланди.

Тадбирда, шунингдек, истиқлол йилларида мамлакатимиз маданияти ҳақида юз берган улкан ўзгаришлар, уларнинг маънавий ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Азиза **ХОЛБОЕВА**,  
Термиз давлат университети талабаси,  
Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендиаси соҳибаси:

— Кексаларимиз биз ҳақимизда сўзлаганда ҳамиша ҳавас ила "Мустақиллик фарзандлари" деган иборани кўп ишлатади. Дарҳақиқат, биз бахтлигимиз. Аввало, дунёнинг нотинчлик ҳукми сураётган баъзи мамлакатларидаги тенгдошларимиз сингари кўрқув ва таҳлика билан яшамаймиз. Фикр-зиқримиз ўзимиз эгаллаётган соҳани етух билимдони бўлиб етишимиз, она Ватан раванлиги муносиб ҳисса қўйишга қаратилган. Яқин 25-30 йил аввал бу ҳақда фақат орзу қилиш мумкинлигини ўйлаб, кексаларимизнинг мустақиллик фарзандларига ҳавас қилишларини англаш қийин эмас. Мен чин маънода Мустақиллик фарзандиман. Сабаби истиқлол шарофати билан 2013 йил "Юрт келажиги" иқтидорли ёшлар Республика кўрик-танлови "Рационализаторлик тақлифлари" йўналишида, "Юксак маънавиятли авлод" фестивалининг замонавий илм-фан йўналишида биринчи ўринни эгалладим. Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендия-

сига сазовор бўлганим мени янги марралар сари рағбатлантираётир. Истиқлол ёшларга ана шундай имконият ва рағбат бераётгани учун ҳам қадридор.

Жиззах. Истиқлол байрами муносабати билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши ва унинг ҳудудий партия ташкилотлари ташкил этган тадбирлар ўзининг мазмун-моҳияти билан юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикка шукроналик, мустақилликнинг қадри ва қийматини юртдошларимизга кенг тушунтириш, энг муҳими, улар қалбига "Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?" туйғусини мустаҳкам қарор топтиришга қаратилди. ЎзМТДП Жиззах шаҳар кенгаши ташаббуси билан Жиззах давлат педагогика институтида бўлиб ўтган тадбир ҳам ана шундай мақсад рўёбига хизмат қилди.

"Мустақиллик — энг улуғ неъмат" мавзусидаги тадбирда ЎзМТДП шаҳар кенгаши аъзолари, партия фаоллари, депутатлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этиди. Ўтган тарихан қисқа давр ичида эришилган улкан ютуқ ва марраларнинг пойдевори бўлган мустақилликни асраб-авайлаш, сақлаш ва мустаҳкамлашга даъват этиш тадбирнинг бош мавзусига айланди.

— Шу улуғ ва муқаддас заминда ўтаётган тинч-осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимиз мустақилликнинг нақадар буюк неъмат эканини янада чуқурроқ ҳис этиш ва англашга ундайди, — деди тадбирда сўзга чиққан партия шаҳар кенгаши раиси Ниғора Мухторова. — Мустақиллик боис эришаётган ютуқларимизни, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини бутун дунё ҳамжамияти тан олмақда. Бу эса ҳар бир юртдошимиз қалбига чексиз бош ва ифтихор туйғусини юксалтириб, халқимизнинг эртанги кунга ишончини тобора мустаҳкамламоқда, фидокорона меҳнат қилишга ундамоқда. Буни чуқур ҳис этиш, мустақилликни асраш ва уни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўйиш ҳар биримизнинг эзгу мақсадимизга айланиши лозим.

Тадбирда мустақиллик йилларида юртимизда таълим-тарбия тизимига қаратилган юксак эътибор ҳақида сўз борди. Эътироф этилганидек, мустақилликнинг илк йиллариданоқ кадрлар тайёрлашнинг миллий ва мукамал тизимни шакллантирилгани бугунги ютуқларга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Жисмонан соғлом, маънан етух, кенг дунёқарашга эга, ватанпарвар, замонавий билимлар эгаси бўлган ёшларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқлари фикримизга яққол далилдир. Шунинг учун ҳам яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш, мамлакатимиз ривожига ҳисса қўйиш ёшларимизнинг эзгу мақсадига айланди.

Тадбирда "Мустақилликнинг етти мўъжизаси", "Бир сўз билан минг таъриф" каби интерфаол ўйинлар ҳам ташкил қилинди. Мазкур ўйинлар орқали талаба-ёшларнинг истиқлол йилларида ижтимоий-сиёсий, маданий-гуманитар соҳаларда амалга оширилган ислохотлар, фан, таълим, спорт соҳасида эришилган ютуқлар, бир сўз билан айтганда, Ватанимиз тарихига оид билгилари синовдан ўтказилди. Ватанпарварлик, мустақиллик, тинчлик, эзгулик мадҳ этилган шеърлар иштирокчиларга кўтаринчи руҳ бағишлади.

Тадбир ниҳоясида иштирокчиларга партия шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Нозима **МУЗАФФАРОВА**,  
ЎзМТДП Жиззах шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:

— Ватанимиз мустақиллиги тантаналари яна бир муҳим воқеа — янги ўқув йили шодиёналарига уланиб, ўзгача маъно ва мазмун касб этмоқда. Юртимиз таълим муассасаларида янги ўқув йилининг мустақиллик дарслари билан бошланиши, ёш авлодга истиқлол моҳияти ва аҳамиятининг чуқур ёритиб берилиши уларни истиқлол фойдалари содик, ватанпарвар, фидойи қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ёшлар мамлакатимиз мустақиллиги барқарорлиги, юртимиз истиқлолини белгиловчи асосий омилдир.

Ҳасан **САЛОМОВ**,  
Дилноза **ҲАЙИТОВА**,  
"Миллий тикланиш" мухбирлари



Бошлангич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Куйи бўғин фаолиятини янги босқичга кўтариш

бугунги куннинг муҳим вазифаси

**ЎЗМТДП мақсад-ғояларини тарғиб қилиш, электротат манфаатларини ҳимоялаш, сиёсий етакчилик қобилиятига эга кадрларни жалб этиш ва тарбиялаш каби вазифаларни амалга оширишда бошлангич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутати. Шу боис ҳам куйи бўғиннинг бугунги кун талаблари даражасида ишлашни таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратишмоқда. ЎЗМТДП Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган бошлангич партия ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтаришга бағишланган семинар-тренингда шу ҳақда сўз борди.**

Тадбирда таъкидланганидек, вилоятда бугунги кунда 15 минг нафардан зиёд партия аъзосини бирлаштирган 309 куйи бўғин мавжуд. Улар томонидан партия дастурий мақсад-ғояларини тарғиб қилиш, аҳолига ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар мазмун-моҳиятини етказиш борасида қатор тадбирлар ташкил этилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, вилоятда жорий йилнинг биринчи ярмида партия аъзолари сони қарийб 550 нафарга кўпайди.

Қайд этиш жоиз, вилоятдаги бошлангич партия ташкилотларининг партия гуруҳлари билан ҳамкорлиги натижасида жойлардаги қатор масалалар ўз ечимини топаётди. Чунончи, "Оқдарбанд" қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилган куйи бўғин йиғилишида бу қишлоқнинг айрим ҳудудларига жамоат транспорти қатновини йўлга қўйиш зарурати мавжудлиги айтилган эди. Куйи бўғинда кўтарилган ушбу масала юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Сайёра Худойберганова тегишли ташкилотларга сўров юборди. Натижада муаммо ижобий ечим топди.

— Партия сайловолди Платформасида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш, қонунлар, ҳуқуқат қарорлари ва Давлат дастурлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш жараёнида ҳамма куйи бўғин ҳам ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланаяти, деб айтилмаймиз, — деди семинар-тренингда партия вилоят кенгаши Иброҳим кўмитаси девони раҳбари Фағрулжон Юсупов. — Партия гуруҳлари билан БПТ ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш — бугунги куннинг муҳим вазифаси. Бу, энг аввало, электротатимиз манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга замин яратади. Шунингдек, партия гуруҳлари билан ҳамкорлик сайловолди Платформада белгиланган мақсад-вазифалар рўйи учун фойда муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, куйи бўғин фаолиятини ривожлантириш партия нуфузини юксалтириши,

унинг тарафдорлари сафини кенгайтириши шубҳасиз. Чунки куйи бўғиннинг электротатимизнинг энг яқин таянчи ва суянчидир. Шунинг учун БПТлар умумий йиғилишларини ишчанлик руҳида, партия Устави талаблари асосида ҳар чоракда камида бир марта ўтказишга ва уларда партиямиздан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг ҳам қатнашишига эришиш лозим.

— Ҳар чорак бошида ишлаб чиқиладиган куйи бўғинлар иш режасини мунтазам кўчатириб боришимиз лозим, — деди партия Урганч шаҳар кенгаши Абдурахмонов. — Куйи бўғинлар йиғилишларида фуқаро мувожаати билан ишлаш, маънавий-маърифий тадбирлар савиясини кўтариш, аъзолик бадалларининг ўз вақтида тўланиши, оммавий ахборот воситаларида партия ғоялари тарғиботига қаратилган чиқишлар таҳлил этилади. Бундан ташқари, аъзоларимизнинг сиёсий ҳақда ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилувчи тарқатма материаллар ҳам тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Семинар-тренингда таъкидланганидек, партия ғояларини ОАВда тарғиб этишда куйи бўғин фаоллари нафақат газета ва телевидение, балки Интернет имкониятларидан ҳам самарали фойдаланишлари лозим. Чунки бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми ахборот олишда глобал тармоқдан фойдаланади. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, Интернет орқали олиб борилган тарғиботнинг аҳамиятини тасаввур қилиш қийин эмас.

Семинар якунида БПТлар фаолиятини такомиллаштиришга доир бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди. Самарали фаолият кўрсатаётган БПТ ишини туман миқёсида омма-лаштириш, куйи бўғин фаолиятини такомиллаштиришга доир республика видеоконференциясини ўтказиш ана шулар жумласидандир.

**Муборак АБДУЛЛАЕВА, халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи раҳбари, 1-сон оилавий поликлиника қошидаги бошлангич партия ташкилоти етакчиси:**

— Мамлакатимизда барча соҳада кечаятган ислохотлар самараси ўлароқ, жамиятда сиёсий партияларнинг мавқеи, улар зиммасидаги масъулият тобора ортиб бормоқда. Бу эса электротат билан бевосита ишловчи куйи бўғиннинг партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасидаги фаолиятини бугунги кун талаби даражасига кўтаришни тақозо этади. Партия ташкилотимиз фаолиятини самарадорлигини ошириш, таъсирчан тадбирларни ташкил этишимиз натижасида бу йил аъзоларимиз сони 17 га ошиб, салкам 80 нафарни ташкил этаётди. Бу партиямиз ғояларини янада кенгроқ тарғиб қилиш, аҳоли орасига чуқурроқ кириб бориш, партиямиз хайрихоҳлари сафини кенгайтиришга замин яратади. Жорий ўқув-семинар фаолиятимизни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш ва олдимизда турган вазифалар ижроси учун муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Бошлангич партия ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган шу мавзудаги семинар-тренинг ЎЗМТДП Тошкент вилоят кенгашида ҳам ташкил этилди. Унда бошлангич партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар, электротат вакилларини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, партия гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар-тренингда ЎЗМТДП вилоят кенгаши Иброҳим кўмитаси девони ходимлари, партия шаҳар, туман кенгашлари ва бошлангич партия ташкилотлари етакчилари ва фаоллар қатнашди. Тадбир қизгин ва танқидий руҳда ўтди.

Тадбирда эътироф этилганидек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишга, ўз ўрни ва нуфузига эга бўлишга интиломоқда. Бунга ўтган йилги сайлов натижалари ва бугунги кунда партиянинг тарафдорлари ва хайрихоҳлари сафи кенгайиб бораётгани яққол

далил бўла олади. Партия тарафдорлари ва хайрихоҳларининг аксарияти сиёсий фаол, мамлакат ички ва ташқи сиёсатидан хабардор, партияимизнинг мақсад ва вазифаларини, эзгу ғояларини кенг оммага тарғиб қила оладиган ёшлардан иборат эканлиги янада аҳамиятлидир. Бошлангич партия ташкилотлари фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш — бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Тадбирда партиянинг куйи бўғини ишини фаоллаштириш, етакчиларнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий савиясини ошириш, уларга тизимли равишда фаолият юритиш учун амалий ёрдам кўрсатиш, сиёсий реклама, тарғибот, ташкилотчилик каби вазифаларни амалга оширишда партия оқори органлари билан доимий алоқада бўлиш, фаолият борасида ҳудудий ташкилотларга ахборот бериб бориш каби масалаларга эътибор қаратилди. Семинар-тренинг якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Матлуба ИСАЕВА, Пискент тумани "Митан-1" МФЙ қошидаги бошлангич партия ташкилоти етакчиси:**

— Бугунги семинар-тренинг фаолиятимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз. Тадбирда партияимиз сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижроси учун партия гуруҳлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан қатор таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди. Хусусан, ҳудудий масалалар юзасидан электротатимиз фикрини ўрганиш, уни бошлангич партия ташкилоти йиғилишида муҳокама қилиш, мажлисларда партияимиздан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг иштирокини таъминлаш каби масалалар кенг муҳокама қилинди. ЎЗМТДП дастурий мақсад-вазифаларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ қилишининг таъсирчан, ноанъанавий усуллари билан танишдик. Шу маънода бугунги тадбир бошлангич партия ташкилотлари етакчилари учун чинакам ўқув-услубий семинар вазифасини ўтади, дейиш мумкин.

**Алишер РАҲМОН, "Milliy tiklanish" мухбири, Аббор ИММОХҲУЖАЕВ, ЎЗМТДП Тошкент вилоят кенгаши Иброҳим кўмитаси девони етакчи мутахассиси**

# Мустақиллик берган саодат

партия тадбирларининг асосини ташкил этмоқда

Қорақалпоғистон

ЎЗМТДП Тахтақўпир туман кенгаши "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони!" шиори остида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб байрам тадбири ўтказди.

— Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимизга назар ташлар эканмиз, у биз учун миллий давлатчилигимиз, ўзлгимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, буюк аجدодларимизнинг табарруқ номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар эшигини очиб берганини фахр-ифтихор билан тилга оламиз, — деди ЎЗМТДП Тахтақўпир туман кенгаши раиси Д.Алламбергенов. — Бугун одамларнинг ҳаётга қарши тубдан ўзгариб, ён-атрофда бўлаётган ўзгариш ва янгилинишларга дахлдорлиги охири бормоқда. Айниқса, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ислохотларга бефарқ эмаслиги, энг муҳими, бу жараёнда фаол иштирок этаётгани тараққиётни янги босқичга кўтариш, эзгу мақсадларнинг тўлиқ рўйбга чиқишида катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи мазмун-моҳияти ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари, кенг жамоатчилик томонидан чуқур ўрганилмоқда.

Тадбир жўшқин мулоҳазаларга, баҳс-мунозараларга бой тарада ўтди.

Қашқадарё

Халқимиз ҳар йили мустақиллик байрамини катта шодиена, кўтаринки кайфият, ўзгача шукҳ билан қарши олади. Бу йил ҳам юртимизнинг барча ҳудудиди Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносиби нишонланди. ЎЗМТДП Нишон туман кенгаши ҳам энг улғ, энг азиз айёмга бағишлаб маънавий-маърифий тадбир ташкил этди. Унда мустақиллик йиллари мамлакатимиз учун давлат ва жамият қурилиши, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсатни амалга ошириш соҳаларида таъминлаш, ривожланиш даври бўлгани алоҳида таъкидланди.

— Энг улғ, энг азиз байрам муносабати билан ўтказилаётган тарғибот тадбирларини бошлангич партия ташкилотлари кўтаринки руҳда ташкиллаштиришмоқда, — дейди ЎЗМТДП Нишон туман кенгаши раиси А.Панжеев. — Уларда партия гуруҳи аъзолари, ЎЗМТДП фаоллари иштирок этмоқда. Тадбирлар мазмун-моҳияти ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш, юртимизнинг ҳар бир гўшасида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларни, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини, аҳолининг фаровон яшаш шaroитларини ҳаётий мисоллар воситасида аҳолининг барча қатламига етказишга қаратилган. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилгирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. ЎЗМТДП ташкил этаётган маданий-маърифий тадбирлар ёш авлодга буюк неъмат — мустақиллик сабаб эришилаётган ютуқлар, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Фарғона

"Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони!" деган эзгу шиор ҳар бий йигит-қизни катта мақсадлар сари интилишга, пухта билим олишга, янгиликлар яратишга, бир сўз билан айтганда, Ватан тараққиётга ҳисса қўшишга руҳлантиришмоқда. Чунки Ватандан азизроқ макон йўқ бу дунёда. Ер юзиди Ўзбекистониимиз — яққа-яғона, биз у билан ҳар қанча фахр-ифтихор қилсак кам. Бунга унинг бой ўтмиши ҳам, раванқ топаётган бугуни ҳам, порлоқ келажаги ҳам тўла асос бўлади. Шу боис халқимиз ҳар йили мустақиллик байрамини кўтаринки кайфият билан кўтиб олади.

Фарғона шаҳридаги "Мададкор" МФЙда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Фарғона шаҳар кенгаши ўтказган байрам тадбирида шу ҳақда сўз борди. — Мустақиллик ҳар дақиқа, ҳар соат фикр юритиладиган, ҳар сония шукҳ қилинадиган, қадри, шарафи беқиёс, кўз қорачиғидек асраб-авайланадиган бебаҳо неъматдир, — деди ЎЗМТДП Фарғона шаҳар кенгаши раиси С.Юсупов. — Унинг шарофати билан ижтимоий, маънавий ва диний қадриятларимиз қайта тикланди ва ривожланаётди. Мустақилликнинг ҳар бир лаҳзаси халқимизга тинч ва фаровон, тўқис ҳаёт ҳақиқати, келажакка ишонч ҳиссини мустаҳкамлади. Бу ўртоқларимиз яшаш тарзи, эришаётган ютуқларида яққол акс этаётди. Байрам муносабати билан ташкил этилаётган тадбирларда маслақдошларимиз шу ҳаётий ҳақиқатни фахр билан тақдорлашмоқда.

Сурхондарё

ЎЗМТДП сайловолди Платформасида маҳалла тизимини такомиллаштириш, урф-одат ва анъаналарни тиклаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш каби вазифалар белгиланган. Партия фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифаларини кенгайтириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маҳалланинг эзгу урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ҳуқуқбузарлик ҳолатларини бартараф этиш, оилада соғлом муҳитни шакллантиришдаги фаолияти самарадорлигини ошириш тарафдори.

ЎЗМТДП Қумқўрган туман кенгаши ташкил этган "Менинг обод маҳаллам" мавзусида ёзилган иншоларда айни шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Танлов шартига асосан, тумандаги маҳалла ёшлари мустақилликнинг йилгирма тўрт йиллигига бағишлаб ўз ҳудуди, маҳалласи ҳамда ўзига хос урф-одатларимиз ҳақида ёзилган иншоларни ҳакамлар ҳайъатига тақдим этишди.

— Танловни ташкил этишимиздан мақсад, партияимиз сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, миллий тикланиш ғоясини кенг жамоатчиликка етказишдан иборат, — дейди ЎЗМТДП Қумқўрган туман кенгаши раиси Жамол Саломов. — Бундай тадбирлар воситасида ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш баробарида партияимиз хайрихоҳлари сафини кенгайтиришга ҳам эришмоқдамиз.

Иштирокчилар ўз иншоларида мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, юрдошларимиздаги миллий гуруру ва ифтихор, кексаларимизга кўрсатилган ҳурмат-эътибор каби миллиятимизнинг қон-қонига сингиб кетган анъаналар, ўзлари истиқомат қилаётган маҳаллалардаги ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишлари ҳақида тўлиқлиниб ҳикоя қилишган.

Бир-бирини тақдорламайдиган, она Ватанга, юртга муҳаббат, садоқатни чиройли сатрларда ифодалаб берган ижодий ишларни ҳакамлар ҳайъати муносиб баҳолади. Танлов катнашчиларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва фахрий ёриқлари топширилди.

Жиззах

ЎЗМТДП Жиззах туман кенгаши "Ёшлар қаноти" истиқлолимизнинг йилгирма тўрт йиллигига бағишлаб "Миллий ўйинларимиз — қадриятларимиз асоси" мавзусида спорт мусобақаси ташкил этди. Тадбирда ЎЗМТДП Жиззах туман кенгаши аъзолари, маҳалла фаоллари, тумандаги умумтаълим мактаблари терма жамоалари иштирок этди.

Жиззах туманидаги "Янгиқиллоқ" МФЙ қошидаги бошлангич партия ташкилоти етакчиси Шўхрат Ўролов мамлакатимизда спортга бўлган эътибор кўндан-кўн оқсалиб бораётгани, бундай оммавий спорт мусобақаларининг ташкил этилиши аҳоли, шу жумладан, ёшларнинг жисмоний, руҳий чиниқиши, соғлом ҳаёт кечирishi учун муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

— Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етиши учун яратиб берилаётган шарт-шaroитлар тўғрисида тўхталар эканмиз, бу борада миллий ўйинларнинг аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз, — деди партия туман кенгаши раиси Урол Сатторов. — Улар ёшларни чаққон, эпчил, зийрак, жисмонан соғлом, энг асосийси, эл-юртга садоқатли қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутати.

Спорт мусобақаси байрамона руҳда ўтди. Жамоалар кураш, арқон тортиш, чиллак каби миллий ўйинлар, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка бўйича беллашдилар. Мусобақа якунида жамоалар партия туман кенгашининг фахрий ёриқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

Партия аралашгач...

**Аҳоли ишончини оқлаган, унинг иссиқ-совуғида бирга бўлган депутат халқнинг олқишига сазовор бўлади. Бу нафақат унинг фаолияти, балки партия нуфузининг ошишида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясида сайланган депутатлар ҳам ана шундай ишончга сазовор бўлишга интилаётди. Хусусан партиядан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар аҳоли билан бевосита учрашиб, елкадош бўлиб, ҳудудий масалаларни ечишда яқиндан кўмак бериб келаётди.**

Буни ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти ва партия гуруҳлари фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. "Наўқанбағ" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси учун тоза ичимлик суви муаммога айланаётган эди. Бир неча бор мутасадди идораларга мурожаат қилинди. Аммо улардан ўз вақтида жўяли жавоб олинмади. "Ана бўлади, мана бўла-

# "Наўқанбағ" обод бўлди

амалий саъй-ҳаракатлар аҳолининг партияга бўлган ишончини оширмоқда

ди" билан анча вақт ўтди. Мутасаддиларнинг ваъдаларидан сўнг ҳам натижа сезилмади. Алаоқибат ЎЗМТДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси ташкилотига мурожаат қилишга тўғри келди. Зарафшон Мадатова ва Арзигул Розикўлованинг имзоси билан келган мурожаатда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун қишлоқ марказий сув қувири тизимидан алоҳида қувур тортиш зарурлиги айтилган. Партия ташкилоти мазкур масала юзасидан халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳига депутатлик сўрови киритишни тавсия қилди. Бу вазифа шу ҳудуддан маҳаллий Кенгашга сайланган Олмадон Далимбетова зиммасига юкланди. Депутат жорий йилнинг 5 майида Нукус шаҳар ҳокими Ж.О.пайега сўров юборди. 9 июнь кун эса Нукус шаҳар сув тармоқлари бошлиғи М.Утениёзов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда Нукус шаҳри "Наўқанбағ" маҳалла фу-

қаролар йиғини ҳудудидаги К.Тожиёв кўчасида ичимлик суви тармоқларини янгидан қуриш ишлари яқин кунларда бошланиши маълум қилинди. Орадан кўп ўтмай қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммосини бартараф этиш борасида амалий ишлар бошлаб юборилди.

Сув етиб келган жой обод саналади. "Наўқанбағ" ҳудуди энди чин маънода обод бўлди. Эндиликда қишлоқ аҳоли ЎЗМТДПнинг саъй-ҳаракатлари туфайли тоза ичимлик суви билан баҳраманд бўлмоқда.

ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти бу каби масалаларни ечишда аҳолининг ишончли таянчи ва суянчи бўлишга интилаётди. Айниқса, фуқаро мурожаатлари билан ишлаш, уларни ҳал қилишда партия гуруҳлари билан ҳамкорликда ишлаш борасида муайян тажриба тўпланган. Бугунгача партия гуруҳининг аралашуви билан ҳудуддаги қатор маҳаллаларда болалар спорт майдончала-

ри ва маҳалла гузарлари ташкил этилди. Касб-хунар коллежи битирувчиларига банкдан имтиёзли фоизларда кредит олиш ва уларни ишга жойлаштиришга яқиндан кўмак бериб келинаётди. Бундан ташқари, маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига оилавий қорхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш борасида қатор ташаббус-масалалар олиб чиқилди.

Бу саъй-ҳаракатлар замирида, энг аввало, ЎЗМТДПга ишонч билдирган сайловчилар ишончини оқлаш, партиянинг сайловолди ваъдаларини бажариш, халқимизнинг турмуш сифати ва қулайликларини ошириш мақсади мужассам. Зотан, ЎЗМТДП сайловолди Платформасида мазкур вазифа партиянинг ижтимоий соҳадаги устувор мақсадларидан бири сифатида белгиланган.

**Ҳасан САЛОМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

## Партия ташкилоти ва депутат ҳамкорлигида



Сирдор МУЛЛАЖОНОВ олган сурат

# Ўзаро алоқадорликда фаолият олиб бориш

### амалий ишларга йўл очади

**Мамлакатимизда демократик талабларга ҳамоҳанг кўппартиявийлик тизими шаклланиб, сиёсий партияларнинг жамиятни ислоҳ қилишидаги ўрни ва аҳамияти тобора кучайиб борапти. Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам депутатлик бирлашмалари фаолиятини тубдан кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Партиянинг кўйи бўлинидан тортиб Қонунчилик палатасидоги фракциясигача бўлган ҳамкорликдаги фаолиятини самарали йўлга қўйиш, бу борада муайян чора-тадбирларни амалга ошириш ЎзМТДП эътиборидоги муҳим масалалардан бирига айланган.**

Партиянинг гоя-мақсадлари аҳолининг турли қатламлари орасига чуқур кириб бориши ва шу орқали хайрихоҳлар сафини кенгайтириш, партияимиз электорати манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилишга қаратилган ишлар самарадорлигини оширишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш жуда муҳим. Хусусан, партия ҳаётида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Боиси улар депутатлик ваколатларидан самарали фойдалана олса партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий қатлам вакиллари ҳаётига дахлдор долзарб масалаларга ижобий ечим топишга кенг имконият пайдо бўлади. Маҳаллий Кенгашлардаги вакилларимизнинг амалий сайё-ҳаракатлари натижасида партияимиз тарафдорлари сифи кенгайиб, сайловчилар ишончи ортмоқда. Шу боис партия гуруҳлари ишини янада жонлантириш, улар фаолиятини ташкил қилишнинг самарали ва янги усулларини топиш, партия дастурий гоя-мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда уларнинг ташаббускорлиги ва қатъийлигини кучайтириш зарур.

Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси

маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан партияимизнинг ҳудудий ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўзбекистоннинг сиёсий майдондаги мавқеини ошириш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан биридир, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ихроия кўмитаси девони бўлим бошлиғи Бехзод Содиков. — Партия Марказий кенгаши барча ҳудудий ташкилотлари учун партия гуруҳларини янада кучайтиришга қаратилган маърузалари тингланган, партия гуруҳлари олдига турган устувор вазифалар, партия гояси ва мафқурасини тарғибот-ташвиқот қилишда уларнинг ўрни атрофлича муҳокама этилди, тегишли тавсиялар берилди. Мазкур семинар яқин бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига қўра, бу каби амалий семинарнинг ҳудудий босқичларини ўтказиш, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги ўзМТДПдан сайланган депутатларни ҳудуддаги бошланғич партия ташкилотларига бириктириш вазифаси юклатилди. Партия ташкилотларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш, амалга оширилаётган ишлари таҳлили фаолият самарадорлигини таъминлаш шубҳасиз, — дейди партия вакили.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ЎзМТДПнинг барча ташкилотларида маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар фаолиятини, амалга оширилаётган ишларини доимий мониторинг қилиб бориш, амалга оширилаётган ишлари таҳлили фаолият самарадорлигини таъминлаш шубҳасиз, — дейди партия вакили.

Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг сиёсий ҳуқуқий биланларини, тахрибасини ошириш, фаоллигини кучайтириш мақсадида қатор ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Жумладан, шу йил 19-20 июнь кунлари партия Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган "ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда партия фракцияси ҳамда гуруҳларининг ҳамкорлигини янада кучайтириш масалала-

ри" мавзусидаги ўқув-семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари раҳбарлари ҳамда ҳудудий партия ташкилотларининг масъул ходимлари иштирок этди. Унда етакчи олим ва мутахассисларнинг депутатлар фаолиятини янада жонлантиришга қаратилган маърузалари тингланган, партия гуруҳлари олдига турган устувор вазифалар, партия гояси ва мафқурасини тарғибот-ташвиқот қилишда уларнинг ўрни атрофлича муҳокама этилди, тегишли тавсиялар берилди. Мазкур семинар яқин бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига қўра, бу каби амалий семинарнинг ҳудудий босқичларини ўтказиш, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги ўзМТДПдан сайланган депутатларни ҳудуддаги бошланғич партия ташкилотларига бириктириш вазифаси юклатилди. Партия ташкилотларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш, амалга оширилаётган ишлари таҳлили фаолият самарадорлигини таъминлаш шубҳасиз, — дейди партия вакили.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ЎзМТДПнинг барча ташкилотларида маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар фаолиятини, амалга оширилаётган ишларини доимий мониторинг қилиб бориш, амалга оширилаётган ишлари таҳлили фаолият самарадорлигини таъминлаш шубҳасиз, — дейди партия вакили.

Оқрида таъкидланганидек, ЎзМТДП фаолиятини маҳаллий Кенгашлардаги депутатларни ўз сайлов округи ва бошланғич партия ташкилотлари ҳолида ҳудудий ҳамда сонидан келиб чиқиб, кўйи бўйича бириктириш чора-тадбирлари йўлга қўйилган. Бу, ўз навбатида, муайян БПТга бириктирилган депутатнинг кўйи бўлини умумий йиғилишларида иштирок этиши, кўтарилган масалаларни вакиллик органлари йиғилишлари муҳокама-

сига олиб чиқиб, ҳал этиш чораларини кўришида муҳим вазифа ҳисобланади. Аҳоли турмуш фаровонлиги билан боғлиқ масалалар, асосан, кўйи доираларда юзага чиқади. Улар эса кўйи бўйича масъул депутат кўмағида юқори вакиллик органлари ёхуд тегишли мансабдор шахсларга етказилиб, ўз ечимини топади. Масалан, биргина Сирдарё вилоятида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида фаолият олиб бораётган 64 депутатимиз вилоятдаги 315 бошланғич партия ташкилотига бириктирилган. Қолаверса, вилоятда партия ва депутатлар ҳамкорлигида кўплаб самарали ишлар амалга оширилаётганини кўриш мумкин.

Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар фаолиятини юқори босқичга кўтаришда, уларнинг фаолиятини янада оширишда партия марказий ва ҳудудий ташкилотлари олиб бораётган сайё-ҳаракатлар ҳам муҳим аҳамият касб этаётди, — дейди ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши Ихроия кўмитаси девони етакчи мутахассиси Шерзод Нурматов. — Масалан, партия Марказий кенгаши тақдим этган сессиялар кун тартибига олиб чиқилган масалалар бўйича тақлифлар концепцияси доирасида халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги партия гуруҳимиз яқинда вилоятда туризмни ривожлантириш масаласини сессия кун тартибига олиб чиқди. Депутатлик гуруҳимизнинг бу ташаббусида партия Марказий кенгашининг тақлифлар концепцияси туртки бўлган, сессияга тайёргарлик қўриш жараёнида партия вилоят кенгаши ходимлари ҳам депутатларимизга кўмак бергани эътиборлидир.

Яна бир гап: қузатув ва таҳлиллар фуқаролар муносабатларининг ҳал этилишида партия ташкилоти ва депутатнинг биргаликдаги жонқурлиги самарали натижа бераётганини кўрсатаётди. Масалан, Гулистон шаҳрида яшовчи фуқаро Достон Самадов ишга жойлаштиришда ёрдам сўраб, партия вилоят кенгашига муносабат қилган эди. Биз ушбу муносабатни халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашидаги депутатимиз Нилуфар Эргашевага тақдим этдик. У эса Гулистон шаҳар Бандлик қўмақлашиши ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига депутатлик сўрови юбориб, фуқаронинг шаҳардаги "Ураб-б" МЧЖга ишга жойлаштиришга кўмаклашди. Бундан ташқари, партия Гулистон шаҳар кенгашига шаҳарнинг 4,5-маҳалларида яшовчи аҳолининг транспорт қатновини мунтазам йўлга қўйиш бўйича муносабат ҳам депутат Н.Эргашева билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилди. Айни пайтда ушбу мавзёга доимий қатновчи автобус аҳолига хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, партия ташкилотларимиз ва депутатларимиз ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши электоратимиз мақсадларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётди, — дейди Ш.Нурматов.

Дарҳақиқат, партия гуруҳи билан ташкилотнинг доимий ҳамкорликда ишлаши, тарғибот-ташвиқот ишларида депутат партияга кўмакдош, сессияларга, доимий комиссияларга ташаббус-масала, тақлифлар олиб чиқишда, депутатлик сўровларини амалга оширишда эса партия депутатага елкадош бўлиши партиянинг ишлар самарадорлигида алоҳида аҳамият касб этади. Партия электорати ва ижтимоий қатлами манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган аниқ ва амалий ишлар кўламини янада кенгайтириш, ҳамкорликда ҳаракат қилиш ҳаммасала бўлиб иш олиб бориши натижа касб этади.

**Мухтарама КОМИЛОВА,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

## Депутат сўров киритди

# Ички йўллар ҳам равон бўлмоқда

### бунда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳининг ҳам ҳиссаси бор

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

## ЭЛЕКТОРАТ ИШОНЧИ ВА МАНФААТИ — АСОСИЙ МЕЗОҢ

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи ҳам депутатлик сўрови институтидан муносиб фойдаланишга интилоқда. Улар шу йилнинг олти ойи мобайнида 47 депутатлик сўровини амалга оширган. Мазкур сўровларнинг аксарияти фуқаролар муносабати, мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манзилли дастурларининг ижроси юзасидан киритилган. Ва уларнинг деярли барчаси ижобий ечим топган. Ана шундай сўровлардан бири — "Ўзвотийул" ДАК "Самарқандвотийул" ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти Булунғур туман йўл ҳўжалиги пудрат ташмирлаш фойдаланиш корхонасига жўнатилган депутатлик сўрови ҳақида тўхталишдан аввал мавжуд масала тафсилотидаги эътибор қаратас.

Таъкидлаш жоиз, вилоят марказига яқин жойлашган Булунғур туманидаги марказий йўлларнинг текис ва раволиги автомобиллар, аҳоли учун катта қулайлик яратмоқда. Ойнадек ялтираб турган йўллар ҳудудларнинг тобора ривожланиб бораётганидан дарак беради. Бироқ тумандаги айрим ички йўллар ташмирланмагани қишлоқ ва маҳаллардан кўркини бузаётгани, айниқса, куз-қиш мавсумида юриш қийин бўлиши аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётгани. Мавжуд масалани ўрганиш ва ижобий ҳал этиш мақсадида партия гуруҳи тегишли ташкилотга депутатлик сўрови билан муносабат қилди. Унда, жумладан, шундай дейилади: "Туманда 2014 йили ташмирланмай қолган ва 2015 йилда ташмирланиши режалаштирилган кўчалар, автомобиль йўллари ҳақидаги асосли маълумотларни ўн кун мудат ичида ёзма равишда маълум қилишни сўраймиз".

## ДЕПУТАТ ФИКРИ:

— Сўнгги йилларда юртимизда аҳоли учун қулай яшаш ва ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, йўл ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётди, — дейди халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Фариб Бурхонов. — Жумладан, йўл қурилиши соҳасида ҳам бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда, янги, замонавий йўллар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда, мавжудлар эса ташмирланмоқда. Бироқ бу борада ҳали айрим ечимини кўтиб турган масалалар ҳам мавжудлигини кўз юмиб бўлмайди. Бунда депутатлар ҳам ташаббускор бўлишлари, соҳада учраётган камчиликларни ижобий ҳал этишга кўмаклашишлари муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, ЎзМТДП сайловолди Платформасида мамлакатимиз пойтахти ва ҳудудларни, шаҳар ва қишлоқларни ўзаро уйғун ривожлантириш масаласи алоҳида белгилаб қўйилган. Ана шу дастурий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фаолиятимиз давомида бир неча ташкилотларга депутатлик сўровлари билан муносабат қилдик ва уларнинг аксарияти ечим топди. Булунғур туманидаги ички йўлларни ташмирлаш борасидаги сўровимиз ҳам эътибордан четда қолмади, муносабатимизга бир ҳафта ичида аниқ ва асосланган ахборот олдик. Айни пайтда бу масала ижобий ечим топмоқда. Бугунги кун депутати ўз ваколатларидан муносиб фойдалана олса, ҳаракатлари самарасиз қўластаси шубҳасиз. Бунинг учун, халқ вакилларида фақат жонқурлик ва фаоллик талаб этилади.

## ТАШАББУС — ХАЙРИЙ ИШЛАРГА КАНОТ

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар сони аввалги сайловга нисбатан 3 нафарга кўпайгани, халқ ишонган, билимли ва тажрибали вакиллар саралаб олингани боис партия гуруҳи ташаббускорлиги тобора ортиб бормоқда. Булунғур туманидаги ички йўлларни ташмирлаш борасида партия гуруҳи киритган депутатлик сўрови бир неча туман Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳларига ҳам

ташаббускорлик бағишлади ва бу борада улар киритган сўровлар ижобий ҳал этилаётди.

Депутатлик сўровининг афзал жиҳатларидан яна бири шундаки, бунда давлат ва жамоат ташкилотлари аҳоли манфаатлари — ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги масалаларни бевосита ижтимоий шериклик ҳал этади, ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатади.

— Корхонамиз умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларида ташмирлаш ва сақлаш ишларини бажаради, шундан 79 километр давлат аҳамиятидаги, 168 километри маҳаллий аҳамиятдаги йўллардир, — дейди Булунғур туман йўл ҳўжалиги пудрат ташмирлаш фойдаланиш корхонаси иқтисодчиси Худойберди Мамаражабов. — Мазкур йўлларни ташмирлаш бўйича ҳар йили иш режаси тузилади, тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манзилли дастурига киритилган йўллар капитал ташмирланади. ЎзМТДП гуруҳи киритган сўров бу борадаги режаларимизни самарали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки сўров воситасида депутатлик сўрови ўрнатилгани, муносабатда ташмирланиши лозим бўлган ҳудудлар аниқ ва асосли тарзда таҳлил қилинган зиммамиздаги масъулиятни янада оширди. Натижада бугунги кунга қадар туман маркази, аҳоли пунктлари атрофи ҳамда ҳўжалиқлараро 8 та йўлда жорий ва капитал ташмирлаш ишлари олиб борилди. Булунғур шўқ қўчаси, "Соҳибкор", "Каттақишлоқ", "Оломон" каби маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилган кенг қамровли ишлар ана шулар жумласидандир. Мухтасар айтганда, партия гуруҳининг бу сўрови хайрилий ишларимиз кўламини янада кенгайтирди.

## ЭЛЕКТОРАТ МУЛОҲАЗАСИ:

— Аҳоли ишончини оқлашга, ўз вазифаларини масъулият билан бажаришга интилаётган бундай партия гуруҳларининг сайё-ҳаракатлари эътиборга молик, — дейди тумандаги 28-мактаб ўқитувчиси Завқиддин Очилов. — Қишинг қорлиқирволи, ёгин-сочини келиши ҳамда оғир транспорт воситаларининг ҳаракати натижасида баҳорга келиб йўл қопламаларида бузилишлар, чуқурлик ва ёриқлар ҳосил бўлади. Бунга ўз вақтида эътибор берилмаса, бу ўйим-чўкур йўлнинг ярмига қадар кенгайиб кетиши ҳеч гап эмас. Мақтабимиз ҳудуди ва атрофидоги ички йўл ва кўчаларнинг ташмирлаш муҳтож бўлиб қолгани ноқулайлик туғдираётган эди. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи мазкур масалани тегишли ташкилотларга киритиб, бу борада олиб бораётган ишларни янада жадаллаштиришга ҳисса қўшганидан мамнунмиз. Депутатлик сўрови натижасида нафақат йўллар ташмирланди, балки йўл четларига замонавий, тежамкор чироқлар ҳам ўрнатилди.

## ХУЛОСА ҲАҚИДА

Халқимиз "йўл қўрмак саёб" деб бежиз айтмайди. Чунки йўлларнинг текис ва раволиги нафақат қулайлик, балки унга ўзгача фойз ҳам бағишлайди. Истиқлол шарофати билан юртимизда йўл инфратузилмасини такомиллаштириш, янги автомобиль йўлларини қуриш, ташмирлаш ва реконструкция қилиш борасида олиб бораётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳам иштирок этишга интилаётгани эътиборга молик. Демак, бугунги кун депутатлари ўз ваколатларидан фойдаланиб, аҳоли манфаатларига хизмат қилдирилган, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ҳисса қўшадиган сайё-ҳаракатларини амалга оширмоқда. Бу борада қўлайдликка берилмаслик, зиммадаги масъулиятни унутмаслик самарали натижага беради. Ўз навбатида, халққа яқин бўлган маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаолиги ва ташаббускорлиги уларнинг жамиятдаги ролини оширибгина қолмай, партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва ижро этиш, эл-юрт манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

**Умида УЗОҚОВА,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

## Қонун кучга кирди

**Истиқлолнинг дастлабки кунларида бошлаб мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Зеро, иқтисодий эркинликни таъминлаш ва модернизация қилиш жараёнида ҳусусий тадбиркорлик фаолияти эркинликнинг кафолатларини тўлиқ таъминлашга доир кенг қамровли чора-тадбирлар ҳаётга босқичма-босқич таъминлашга асосланган ҳусусий мулк ҳимоясини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.**

Президентимизнинг 2015 йил 15 майда қабул қилинган "Ҳусусий мулк, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Шу йилнинг 21 августида мазкур фармон асосида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф

этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, амалга киритилди. Ушбу қонунни қабул қилишдан қўзланган асосий мақсад — ҳусусий мулк, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш билан боғлиқ қонунчиликни янада такомиллаштиришдан иборат. Шу маънода мазкур қонун юртимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётида

# Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаати

### таъминланишининг ҳуқуқий асоси янада мустаҳкамланмоқда

ҳусусий мулкнинг ўрнини тубдан ошириш, ҳусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда ҳусусий мулкнинг, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушни изчил оширишга доир ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит ва кафолатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бу ўринда, албатта, юртимизда ҳусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар қайси ҳусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизими яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур қонун асосида қатор қонун ва кодексларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, энг аввало, партия-

миз электорати манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши билан эътиборга молик. Жумладан, амалдаги Жиноят кодексида Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан товарларни реализация қилишдан тушган тушум яширилган ёки камайтириб кўрсатилганда ана шу сумманинг 20 фоизи миқдорда жарима солиниши ҳам белгилаб қўйилган. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятига салбий таъсир қилиши, айни чоғда, судданган шахслар сони, тергов ва суд идоралари иш ҳажмининг янада ошишига олиб келиши шубҳасиз. Қабул қилинган янги қонунга асосан жиний жавобгарликни янада либераллаштириш мақсадида Жиноят кодексининг 184-моддаси ва Жиноят-процессуал кодексининг 333-моддасига муайян ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Жиноят кодекси-

нинг 184-моддасида назарда тутилган жиноятнинг биринчи марта содир этган шахс давлат солиқ хизмати текшируви натижаларини олган кундан бошлаб ўттиз кун ичида солиқ ва бошқа тўловлар, пеня ва молиявий санкциялар қўрилишида давлатга етказилган зарарни қоплаган тақдирда, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмаслиги белгилаб қўйилди. Эътироф этиш жоизки, бу каби ўзгариш ва қўшимчалар ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган юртимизда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш каби иқтисодий йўналишдаги мақсад-вазифалар ижросига хизмат қилади. Қолаверса, фракцияимиз аъзолари доимо маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва оилавий тадбиркорларга молиявий хизматлар кўрсатиш, уларнинг ролини ошириш, янада тараққий этиши-

ни таъминлаш механизмларини такомиллаштириш ҳамда соддалаштириш тарафдори бўлиб келган. Мазкур қонунда назарда тутилган жиҳатлар бу борадаги сайё-ҳаракатларимизга ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиши билан ҳам аҳамиятлидир. Бир сўз билан айтганда, янги қонун тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Бу эса юртимиз равақчи, аҳоли фаровонлиги, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Элдор ТУЛЯКОВ,**  
ЎзМТДП  
фракцияси аъзоси

Жараён

Энг муҳими, биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб эски тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай ҳоли бўлган, мустақил фиклайдиган, ҳаётга янги қарайдиган, буюк ишларга қодир куч сифатида ёш авлодимизни тарбиялашга қаратилган мутлақо янги тизимни яратдик.

Ислом Каримов



# Табиат — ўқитувчи, шахс — ўқувчи, уққан эса миллат

Ҳар қандай тирик мавжудот яшаш учун курашар экан, бу йўлда яхши-ёмон синовлардан ўтишга мажбур, яхшисида фойдаланади, ёмонидан ҳимояланади, яъни доим рақобатда бўлади. Унинг кўпайиб ё камайиб бориши, ҳатто, йўқ бўлиб кетиши ҳам илмий тилда табиий танланиш жараёнига боғлиқ. Шу нуқтага назардан баҳо берилганда эса жонли табиат моҳиятида ўрганиш ётади. Тўғри-да, ўрагимасдан туриб фойдаланиш ё ҳимояланиш, яъни натижага эришиш мумкинми?!

Мутахассислар ҳулосасига кўра, ўрганишга мойиллик борлиқ мавжудотнинг асаб тизимига эга барча турларида мавжуд. Улар орасида катта устунликка эга инсонда ўрганишга ҳамisha катта эҳтиёж бор. Тўрт ярим миллиард йилдан ортиқ тарихга эга сайёра-мизнинг бугунги "ҳўжайини" ушбу мақомга эриша бошлаганига ҳали ўн минг йил ҳам тўлмагани инобатда олинса, ўзга жонотларга қараганда одам боласи кўлга киритган марраларни фақат ва фақат унинг ўрганиш қобилияти орқали тушунтириш мумкин ва керак ҳам.

Заравустой, Сармишсой қояларига ўн минг йил бурун чизилган суратлар, милотдан аввалги VII-VI асрларда бунёд этилган улкан сунъий сув иншоотлари, 2500-2750 йил бурун асос солинган шаҳарсозлик маданияти (Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Бухоро, Хива, Термиз ва бошқалар), "Авесто", миллий маданий меросимизнинг минг йиллар оша сақланиб қолган намуналари (бежирим заргарлик буюмлари, ҳалигача оҳори тўқилмаган, турли ранглардаги суратлар, икки минг йиллик шохмот доналари, носик шиша буюмлар, сопол сув қувурлари, қоғоз тайёрлаш услуби ва бошқалар), нақд пулсиз айланадиган чак (ҳозирги чек) тизими, аниқ ва табиий фанлар ютуқларининг кишилик тараққиётидаги бекиёс ва ўчмас ўрни, яна қанчадан-қанча ҳодисаю марралар ўзбек миллати иқтидорининг имкони кўлами нақадар кенглигининг яққол далилларидир, албатта.

Аждодларимиз ўрганиш баробарида ўргатганлар ҳам. Ўргатиш учун, аввало, ўрганиш лозим. Демак, таълим илми вужудга келтирган, фан эса ўрганишни тақозо этади. Кимдир ўзбекининг бу борадаги қудратига шубҳа қилса, Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замаҳшарий, Исмоил Жўржоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий номларини эсласин. Кишиликнинг бугунги юксалиш даражасига етишишида уларнинг мислсиз ва ноёб ҳиссасини ўргансин, англасин.

Замонавий адабиётларда фан тарихининг ривожланиши уч босқичга бўлинади: қадимги давр (Юнонистон), ўрта асрлар (араб халифалиги), XVI асрдан Европада замонавий илм-фаннинг шаклланиши. Биринчи босқичнинг ёрқин вакиллари сифатида Птолемей, Теофраст, Евклид, Архимед номлари тилга олинган, иккинчи босқич "муслмон Шарқи" атамаси билан ниқобланиб, мажбур улкан минтақада етишиб чиққан буюк олимлар "араб маданияти" вакиллари сифатида тақдим этилади. Ваҳоланки уларнинг асосини юқорида санаб ўтилган ўзбек алломалари ташкил этади. Учинчи босқич, яъни XVI-XVII асрлардан Г.Галилей, И.Кеплер, И.Ньютон изланишлари натижасида замонавий фан ривожлана бошлади. Сўнгги ўн йилликларда Фарбнинг илм-фан ривожига қўшган бекиёс хизмати ҳақиқат,

буни ҳеч ким инкор этолмайди. Аммо фаннинг чегара ва давр билмаслиги, узвийлиги ва ўзаро боғлиқлигини тан олмаслик мумкин эмас. Шундай экан, жуда жун бўлса-да, қадимги Юнонистонда илк куртак ёзган ҳисоб, геометрия, физика каби илм кўчатлари кейинги бир ярим минг йиллик босқичда Шарқ, айниқса, ўзбек олимларининг хизматлари воситасида улкан ва сермева болка айланди. Айнан шу босқич шарофати билан математика, геометрия, астрономия, физика, кимё, геология, геодезия, география, тиббиёт, доришunosлик, биология, ботаника, тарих сингари фанларнинг кўламли ва мустаҳкам пойдевори шаклланди. Ундан бундан дунё, жумладан, Европа ҳам баҳраманд бўлди.

X-VI асрларда европаликлар Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино асарларини ўз тилларига таржима қилиш орқали ўзлари учун инқилобий саналган фанларни ўрганишга ва кундалик турмушда татбиқ эта бошлаганлари тарихий ҳақиқатдир. Зеро, америкалик машҳур олим, фан тарихи йўналишида дунё эътироф этган тадқиқотчи, Фан тарихчилари жамияти асосчиси Жўрж Сартун (1884-1956) Мухаммад Хоразмийга "ўз даврининг энг буюк математиги ва агар барча шарт-шароит назарга олинса, ўзга жонотларнинг энг буюкларидан бири", деб бежиз баҳо бермаган. "Чиндан-да, энди оддийликка айланган сонлар белгиси, алгебра, алгоритмнинг илм-фан ва башарият тараққиётидаги тенгсиз ўрнини бугун сайёралараро сузиб юрган фазо кемалари-ю, кўлимиздаги кундалик мобиль телефон ёки ҳар биримиз ҳаёти-мизни тасаввур қила олмайдиган компьютер мисолида ҳам англаш қийин эмас.

XVI-XVII асрларга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик муаллифи Аҳмад Фарғоний, европалик шифокорларнинг қўлланмаси ҳисобланмиш "Тиб кўнунлари"нинг муаллифи Ибн Сино бўлганлигини, Абу Райҳон Беруний қатори минерал ва металлларнинг зичлиги ҳамда солиштирма оғирлигини аниқлаб, Ернинг Кўёш атрофида айланishi эҳтимоллигини олға сурганда замонавий минерология асосчиси саналадиган Георг Арикола, дунёнинг гелиомерказлашган тизими муаллифи Николай Коперник туғилишига ҳали яна беш юз йил борлигини бугун барча ҳам биларвермайди. Билса ҳам, балки бундан кўз юмур... Маҳмуд Кошғарий қаламига мансуб "Туркий лўғатлар девони" тарихий, маданий, этнография ва тилshunosлик масалаларини қамраб олган комунисий асар битилган XI асрда Европада ҳали Мухаммад Хоразмийнинг ўнлик санок тизимидан хабар топишлари, илк шамол тегиримини қурилишига юз йил, қоғоз тайёрлашнинг пайдо бўлишига, йиғирув чархининг кириб келишига икки юз йил бор эди.

Дунёвий фанлар қаторида диний илмлар ривожига ўзига хос ва бетакдор хисса қўшган ҳам бизнинг аждодларимиздир. Ислом илми ва амалида алоҳида ўрин эгаллаб келган ҳадисчилик, фикҳ, калом, тасаввуфнинг устунлари саналмиш Имом Бухорий, Мухаммад Термизий, Абу Наср Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Ясавий, Наҳиддин Кубро, Баҳовиддин Нақшбанднинг изланишлари ўларок муслмончилик шунчаки расм-русумлар йиғиндиси эмас, балки дунёнинг энг йирик, тизимлашган диний эътиқод таълимотларидан бири сифатида танилгани ҳам бор гап.

Ғарби бу далиллар нақадар ҳақиқат бўлмасин, Ўртбосҳимиз таъбири билан айтганда, "фақат ўтмишга, аждодлар меросига махлиё бўлиб юришининг ўзи билан узоққа бориб бўлмайди". Бироқ ҳар қандай миллат ҳавас қилса арзигулик ютуқлар, бой ва улкан бу мерос бугунги ва эртанги авлодлар учун ўзига бўлган ишонч, эл-юрт учун ғурур, ҳозирги ва келгуси бунёдкорлик ишларимиз учун тенг-

сиз намуна манбаидир. Энг муҳими, истиқлол йилларида турли йўналишлар, хусусан, миллий таълим тизимини яратиш бобида эришган марраларимиз, бир томондан, уларнинг тасодифий эмаслиги, тақир ерда пайдо бўлмаганлигини, иккинчи томондан эса "биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз ва кам бўлмаймиз ҳам" деган эзгу ғоянинг нақадар тўғрилигига яққол далил бўла олади. Шу муносабат билан биз Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилаётган, халқроқ эътирофга сазовор миллий таълим тизимининг уч жиҳатига алоҳида тўхталишни жоиз деб толдик.

### МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Ўтмишда юксак ривожланган ўзбек илм-фанининг негизини ўрганишга бўлган кучли интилиш таълим билан бевосита боғлиқ экан, умуммиллий таълим тизими бизда нима учун илк бор XX аср охирига келиб жорий қилинди? Бизнингча, бу ерда икки сабаб бор. Биринчидан, теурийлардан кейинги асрларда давлат ва жамият тақдири учун жавобгарликни зиммасига олган сиёсатчилар, арбоблар, сармоядорлар, маълум маънода зиёлилар таълимнинг эл-юрт ҳаёти, эртанги кундаги аҳамиятини англаб етмаганлар, дунёнинг ривожланаётган минтақалари тажрибасидан миллий тараққиёт йўлида фойдаланиш дунёқарашидан йироқда бўлганлар. Иккинчидан, жаҳоннинг олди минтақалари (Европа, АҚШ)да таълимнинг кўнуний асослари умуммиллий микёсда яратила бошланган XIX аср-

да биз давлат мустақиллигимизни йўқотиб, чор Россиясининг мустамакасига айландик. Шундай шароитда замонавий миллий таълим тизимини жорий этиш тўғрисида гап-сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Чунки билим инсонга табиат сир-асрорини, жамият турмуши, жумладан, ўтмиши, маънавияти, маданияти, демак, ўзлигини англашни ўргатади. Мустамакачилар учун бундан-да катта ва хавфли душман бўлмаган. Жаҳидларнинг маърифат-парварлик, хусусан, янги услуб мактабларини ташкил этиш борасидаги баҳоли қудрат уришларининг кўнундагидек чиқмаганлигининг сабаби ҳам аслида шунда эди.

Империя бошқарувини кўлга олган коммунистларнинг таълим соҳасидаги сиёсати 1973 йили СССР Олий Совети тасдиқлаган "ССР Иттифоқи ва иттифоқдеш республикаларнинг халқ таълими тўғрисидаги қонунчилигининг асослари"да яқол кўринади: "СССРда халқ таълимининг мақсади марксизм-ленинизм ғояларида, совет қонунлари ва социалистик ҳуқуқ-тартиботга ҳурмат руҳида, меҳнатга коммунистик муносабатда тарбия топан, жисмонан соғлом, ҳўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишнинг турли йўналишларида муваффақиятли меҳнат қилиш, жамият ва давлат ҳаётида илдам қатнашишга қодир, социалистик ватанни чеқсиз садоқат билан ҳимоя қилиш, унинг моддий ва маънавий бойлиқларини сақлаш ва кўпайтириш, табиатни асраш ва муҳофаза қилишга тайёр, коммунистик жамиятнинг юксак билимли, ҳар томонлама ривожланган фаол қурувчиларини етказиб беришдан иборатдир". Бир сўз билан айтганда, яққол кўриниб турганидек, таълимдан мақсад илм-фан, иқтисодий ва ривожлантириш, одамлар турмушини юксалтиришга қодир мутахассисларни эмас, империя манфаатлари ва коммунистик ғоя учун кўр-кўрона, жонини жабборга бериб хизмат қиладиган тирик "ашёлар", ҳозирги лаҳжада айтсак, зомбиларни тайёрлаш бўлган.

Орадан чорак аср ўтиб кетганига қарамай, содйк империя, айниқса, метрополия ҳудудидан хануз совет таълим тизимини улугулашдан чарчамайдиганлар "совет ҳукумати таълими текин қилиб кўйганди", вақини кўп такрорлайдиганлар бу. Лекин улар икки ҳақиқатни ё билмайдилар, ё билиб билмаганга оладилар. Биринчидан, ўша пайтда таълим яқса-яғона советлар давлатида эмас, балки АҚШ, Англия, Германия, Франция, Скандинавия ва бошқа ривожланган мамлакатларда ҳам текин бўлган. Совет давлати фуқаролар меҳнати билан яратилган барча даромадни ўз кўлига олиб, одамлар оқдан ўлмаслиги, яланғоч қолмаслиги учун етарли, барча учун деярли бир хил даражадаги "чой пули" ойлик қилиб берилган шароитда таълимнинг текин бўлиши, инсоф билан ёндашилганда, мажбурият эмасмиди? Халқнинг кўпчилиги наздида шахсий автомобиль, чанг-юттич, кир ювгич, рангли телевизор, ҳаво совутич кундалик эҳтиёж эмас, ҳашамат, етиб бўлмас матоҳ саналган муҳитда яна таълим ҳам пуллик бўлиши керакми?

Иккинчидан, совет таълим тизимининг тилга олинган бош муддаоси нуқтаи назардан таълим текин ва мажбурий бўлиши табиий эди. Акс ҳолда, ҳеч ким, ҳар ҳолда кўпчилик бундай бемаъни мақсад йўлида ўқини афзал кўрмаган бўлар эди. Аммо танлаш имкони, умуман, сиёсий ҳуқуқ йўқ шароитда ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: совет таълим тизими қарам халқлар, хусусан, бизга нима берди? Юрт учун қайғурадиган, мавжуд оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўнглаш ҳақида бош қотириб, уларни бартараф эта оладиган, ўтмишини холис ўрганиб, элига, дунёга тақдим этишга қодир, маданияти, аънавалари, тили, адабиётини ас-

раб-авайлайдиган, ўзлигини англаган шахслар, мутахассислар, кадрларнинг юзага чиқишини таъминладими йўқми? Дароқе, тўғри пахтачилик, хусусан, пахтанинг янги навларини етиштириш бўйича олимлар тайёрланди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Чунки Ўзбекистон империянинг асосий пахта хомашё манбаи эди. Бироқ пахтани тайёр маҳсулотга айлантириш билан боғлиқ соҳалар, умуман, энгил санок, замонавий дастоҳларни ишлаб чиқиш, бошқариш, бежирим, харидорбоп мато, кийим-кечакларни тайёрлаш, дунё бозориди сотишга қодир ва тайёр мутахассислар бормиди бизда? Йўқ, албатта. Пахта толасининг деярли барчаси марказ иҳтиёрига олинган шароитда бундай кадрларга ҳолат йўқ эди. Ўзбекининг кўча эшигига пахта экилган бир вазиятда галлачилик, богдорчилик, чорвачилик учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш борасида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Миллий тоғ-кон, нефть-газ, миллий автомобилсозлик, миллий ахборот-коммуникация, технология, миллий ҳаво ва темир йўллар, энгил, озиқ-овқат санокати, миллий меъморилик, миллий телерадио каналлар, миллий аънава, маданият, давлат тили, миллий парламент, миллий давлатчилик ва ниҳоят, миллий кадрлар! Бугун табиийлик ва оддийлик касб этиб, ҳаммамиз ўрганиб бўлган бу тушунча ва қадриятлардан қайси бирини мустамака даврида шивирлаб бўлса-да айта олар эдик?..

### САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАРНИ УНДИРИШ ТИЗИМИ

Фарб олимларининг сўнгги изланишлари натижасига кўра ҳар қандай соҳа, жамоада, у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, "арава"ни таҳминан унинг ўн беш фоиз аъзоси тортар экан.



Уш суратлари.

Қолганлари эса уларнинг атрофида фаолият кўрсатади. Бу ерда гап ноёб истеъдод эгалари — етакчилар, бошқарувчилар, ташкилотчилар, ташаббускорлар, ижодкорлар, иқтидорлар ҳақида кетмоқда. Жамият, тармоқ, жамоанинг тақдири, юксалик савияси ҳам кўп жиҳатдан уларга боғлиқ бўлади. Демак, асосий мақсад уларни юзага чиқара олишда.

Миллий таълим тизимининг ўзига хослиги ва кучи ҳам шундаки, энди шаҳар, қишлоқ, чўл, тоғ ҳудуди мактаби, коллежи, лицейи, пойтахт ёки вилоят олий ўқув юрти қабилидаги фарқ ва ажратиш йўқ. Деярли 9700 мактаб, 1600 коллеж, лицей, 80 олий ўқув юрти юрти-юрти қайси ерида фаолият кўрсатмасин, моддий-техника асоси мустаҳкам, энг замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган, дарслик, қўлланмалар, Интернет билан таъминланган, ўқитувчи ва педагоглар салоҳияти бўйича тенг даражада бўлишига асосан эришилди.

Бугун Ўзбекистонда 12 йиллик узлуксиз таълим тизимида эришилаётган ютуқлар хорижда ҳам кўпчиликнинг ҳавасини тортмоқда.

Эйтиборлиси, тарихимизда илк бор жорий қилинган ушбу миллий тизимни барпо этишга истиқлолга эришганимиздан атиги олти йил ўтиб қиришди. Мустабид тузумдан қандай оғир, қандай ночор мерос қолгани, аҳамияти ва зарурати кам бўлмаган бошқа соҳа ва йўналишлар бўйича қилишимиз лозим каттадан катта ишлар турганилига қарамай давлат йиллик бюджетининг учдан бири айнан таълимга йўналтириб келинаётганини ва бундай улуг ишни бошлашга ҳамма раҳбар ҳам, давлат ҳам жазм қилолмаслигини англаш ва тасаввур қилиш учун катта ақл керак эмас. Биргина сўнгги беш йил ичида 278 болалар мусика ва санъат мактаби, 523 спорт иншооти ва 100дан зиёда сузис ҳавзаси янгидан ва бошдан оёқ қайта қурилди. Булар айтишгагина осон. Аммо бажарилган

иш кўлами ва келгуси самарасини кўз олдимизга келтирсак-чи?

Ана энди ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: шундай пухта, узоқни кўзлаб яратилган тизимда истеъдод уруғи қаровсиз қолиши мумкинми? Йўқ, албатта.

### "ПОРТЛАШ" САМАРАСИ

Таълим таълим, илм эса илм учун эмас, аксинча ундан асл муддао давлат, жамият ва фуқаролар манфаатларини таъминлашдан иборат. Бундан минг йил бурун ҳам буюк аждодимиз, фаннинг моҳияти ва мақсадини теран англаб етган Абу Райҳон Беруний илм кишиларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилиши лозимлигини ўқдириб ўтган эди. Илм сари шахдам қадамлар эса таълим жараёнида қўйилади. Ҳозирда ўзбек ўқувчи ёшларининг халқроқ фан олимпиадаларида, нуфузли санъат танловларида, спортчиларимизнинг Олимпиада, жаҳон, Осиё микёсидида спорт муҳияти ва мақсадини бўлишлари оддий холга айланиб бўлди. Деярли ҳар куни шундай янги хабар эшитамиз, қувонамиз, аммо ҳайратланмаймиз. Оддий холдек қабул қиламиз.

Мустақил Ўзбекистон бугун чорак аср бурунгидек фақат пахтадан танилган қолоқ "аграр" ўлка эмас. Автомобилсозлик, нефть, газ, кимё, темир йўл машинасозлиги, қурилиш ашёларини ишлаб чиқариш, маийш электроника, доришunosлик, озиқ-овқат ва темир йўқимачилик санокати, автомобиль ва темир йўқ қурилиши, алоқа ва ахборотлаштириш, компьютер дастурлаш сингари тамомила янги ва замонавий соҳалар тез ривожланиб бораётган ўзини ўзи таъминловчи давлатдир. Ушбу тармоқларда ишнинг кўзини билли меҳнат қилаётганларнинг аксари ёшлар! Миллий таълим тизими етиштирган кадрларнинг илк вакиллари. Ўзлигини англаган, ўзи, оиласи, юрти учун хизмат қиладиган, интилиб, баҳслашиб, курашиб яшайдиган улкан ва салоҳиятли кўшн! Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асаридида "Таълим-тарбия тизимидаги ислохотлар бошланган дастлабки йилларда мен жаҳон тажрибаси ва ҳаётда ўзини кўп бор олқлаган ҳақиқатдан келиб чиқиб, агар бу мақсадларимизни муваффақиятли равишда амалга ошира оласак, тез орада ҳаётимизда ижобий маънодаги "портлаш эффекти"га, яъни, янги таълим моделининг кўчли самарасига эришамиз, деган фикрни билдирган эдим" сўзларини эслаш жоиз. Ўн саккиз йил бурун миллий таълим тизимини яратиш йўлида бошланган сиёсат, зукколик билан, узоқни кўзлаб ушбу устувор соҳага босқичма-босқич тикилган сармоя бугун ўз самарасини бера бошлади.

Ўзбекистон — кишилик ақлий тараққиётининг ўчоғларидан бири, дунё сиёсий, ма-



Уш суратлари.

данлий, иқтисодий бешигини тебратган, худо ярлаққан юрт. Бу ўзига хослик илдизларини озиқлантирган омил эса шубҳасиз таълим ва илм, ўзбек миллатининг ўқиш ва ўргатишга бўлган иқтидоридир. Ўзбек ери ва эли башариятга буюк ва маданиятнинг салтанатлари, иқтисодий имкон ва бойликлари, илм-фан, маданиятнинг юксак қўқичлари билан танилди. Айнан мажбур оқиллар ўларок минглаб йиллар давомида Ўзбекистон бутун дунёни ўзига қаратди. Кимлардир яхши ният, ҳавас билан бокди, биз томон интилди, келди, ўрганди, баҳра олди, шу тариқа ўзини ҳам улуглади. Кимлардир қоранянда, ҳасадга қовурилиб, биздаги имконият, ўзбек яратган ва яратаятганларни кўлга киритмоқчи илмчида бостириб келди (аҳамонийлар, юнонлар, араблар, чингизийлар, романовлар). Бизни эгаллаб ва имконларимиздан фойдаланиб жаҳонни забт этмоққа чоғланди. Маълум маънода ва вақт кенглигида бунга эришилди ҳам. Бироқ улар биздаги энг ноёб ва нодир кучни эгаллаб олмадилар — ақл ва идрокимизни, ўрганиш ва ўргатиш иқтидоримизни!

Биз ҳар бир мағлубият, йўқотишдан ҳам ҳулоса қилишга қодир миллатимиз! Миллий Йўлбошимиз қайта-қайта ўқдириб келаётганидек, кўр хассасини бир марта йўқотадим! Бугунги ўзбек содда, ишонувчан, кўнгличан эмас! Салкам чорак асрлик мустақил ҳаёт бизни кўп нарсага ўргатди. Давлатимиз, мамлакатимиз, ўзлигимизни тиклаш йўлида чекилган заҳматлар тажрибаси ва, албатта, миллий таълим тизимини бизни уққан миллатга айлантирди. Энди эса нафақат ўрганиш, балки ўргатиш ва ўз миллий салоҳиятимизни тўла-тўқис кўрсатиш имконига ҳам эгамиз!

Азамат ЗИЁ,  
тарих фанлари доктори,  
профессор,  
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

Фаолият

Эзгу мақсадли қишлоқ мулкдори

Уртақ ҳудуд Қизилтепа тумани марказидан 30 чақирим олинса жойлашган. Бу ерда деҳқончилик билан шуғулланишнинг ўзи бўлмайди. Ёзи иссиқ, қиши совуқ. "Хазина 2000" фермер хўжалигига ери, эли ўйлайдиган Бахтиёр Самадов раҳбарлик қилади. 2000 йилда ташкил этилган хўжалик ишхонасида дастлаб 21 гектар экин майдони бўлган бўлса, айни кунда 100 гектардан ошиб кетди.

бағрида кексалик гаштини сурмоқда.

— Мана шу ерларда деҳқончилик қилганимизда, — деди Бахтиёр ака пешонасидаги маржон-маржон терни артаркан қўллари икки ёнга узатиб. — Ариқ ва зовурларни вақтида тозалганимиз, шўрни юганимиз ерларнинг мелиоратив ҳолати яхши бўлишига олиб келди. Хосилдорлик йилдан-йилга ошиб борапти. Техникамиз етарли. Механизаторларимиздан Бобомурод Нуров, Шамси Жўраев ҳозир гўза қатор ораларига ишлов берапти, тиним билмай ҳосил парваришида. Ўтган йили 150 от кучига эга, Германияда ишлаб чиқарилган "Арион-630" маркали тракторни лизинг асосида сотиб олдик. Бу техника ерларни шудгор қилишда жуда қўл келмоқда. Давлатимиз фермерлар учун кенг имкониятлар яратиб қўйди. Техника, ўғит, ёқилгидан ҳеч қандай муаммо йўқ. Даланинг бошига келтириб бериляпти. Бандадаги хизматларни эса айтмай қўялоқ. Ҳар қандай масала тезда ҳал этилмоқда. Бизда эса фақат меҳнат қилиш қоляпти, холос.

Фермер хўжалиги атрофидаги ерларга экилган мевали ва манзарали дарахтларни, гул қўчатларини кўриб ҳавасингиз келади. Бир қарич бўш ернинг ўзи йўқ, Шундай гўзал манзарани яратганимиз меҳнатига бахтиёр тасанно айтасиз, инсоннинг қўли гулгилгига яна бир бор тан бермай иложингиз йўқ.

— Машина сизникими? — дедим дарахт соясида турган яп-янги "Орландо"га ишора қилиб.

— Ўтган йили пахта ҳосилдорлигини 45 центнердан оширган эдик. Мукофотга беришди. Мана, меҳнатимизнинг роҳатини ҳам кўряпмиз. Қизилтепада мен каби фермерлар талай. Ўзимизда ишлаб чиқарилган автомашиналарни миниб, деҳқончилик қилиб юрибмиз-да. Яқинда ота-онам, фарзандларимни олиб, Бухорони зиёрат қилиб келдик. Бу машина бир оила учун жуда қулай экан, — дейди Бахтиёр ака мамнун ҳолда.

— Фермер бир жойда туриб қолмаслиги керак. Доимо изланишда бўлсагина даромад олади. Фермер хўжалиги аъзоларининг иқтисодий аҳоли ҳам яшиланади. Деҳқончилик шарафли ва машаққатли касб. Бу касбнинг ҳам ўз тартиб-қоида, сирасори бор. Қолаверса, Президентимиз айтганидек, деҳқоннинг тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳуқуқий ва иқтисодий қўнғималарга ҳам эга бўлишини, соҳага оид янгиликларга интилишини ҳаётнинг ўзи талаб этапти. Деҳқон бой бўлса — дастурхон тўкин, халқимиз бой бўлади, деган гаплари эса ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бундай фикрларни давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир чикишида такрорлайди. Мен ҳам шундан келиб чиқиб 4-5 йилдан буён

чорвачилик билан шуғулланиб келяпман. Янги "Тавоис чорваси" фермер хўжалигини очдик. Айни кунда хўжалигимизда четдан олиб келинган 100 бош насли, 200 бош боқувдаги қорамол бор. Қунига ўртача 1 тоннадан ошириб сут соғиб олиб, туманимиз аҳолисига етказиб турибмиз.

Ишлайман, наф келтираман деганни қўлаб-қуватлаб рағбатлантираётган, меҳнатимиз қадрланаётган бу замонда, бу юрда ҳали амалга оширилган ишларимиз кўп. Келгусида оилавий тадбиркорликни ривожлантириб, иссиқхона, сутни қайта ишлайдиган мини цех очиб режаларимиз бор. Мазкур тармоқларни янада кенгайтириш ва касб-хунар коллежи битирувчилари учун янги иш ўринлари очиб ниятдаимиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилаётганини мақолаимиз қаҳрамони ўзи ва фермер хўжалиги мисолида кўриб турганини бот-бот такрорлайди.

— Меҳнатинг қадрланади, режаларинг амалга ошса, ҳаракатинг орқасидан турмушнинг фаровон бўлса, яна кўпроқ ишлагинг, жамиятга наф келтиринг келавараркан, — дейди фермер. — Худого шукр, ҳар йили режаларни ортими билан удалаяпмиз. Жорий йил пилла тайёрлаш режасини ошириб бажардик. 31 гектар ердаги галлани ўриб-йиғиб олдик. Давлатга 405 тонна сара дон етказиб бердик, шундан 135 тоннаси уруғлик. Даромадимиз 100 миллион сўмдан ошиб кетди. Шу-да ерга эгаллик ва ундан тўғри фойдаланиш натижаси. Энди навбат пахтага. Ундан ҳам мўл ҳосил олиш ниятида ҳаракат қилмоқдамиз.

Фермернинг айтганича бор. Бугун хўжаликда иш юритиш, меҳнат жамоасини иқтисодий жиҳатдан қўлаб-қуватлаш, экин ерларидан мўл-қўл ҳосил олиш учун барча имконият бор. Дала бошида қурилган кўркам ва шинам шийпондаги шароитни кўриб, ҳар қандай кишининг хордиги чиқди.

Бахтиёр Самадов халқ депутатлари Қизилтепа тумани Кенгашига ЎзМТДДдан сайланган депутат сифатида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Ўзи сайланган ҳудуд ёшларнинг талаб-истакларидан келиб чиқиб, мини футбол майдони қурилишида бош-қош.

Бахтиёр Самадов билан хайрлашар эканмиз, унинг тимсолида давлатимиз раҳбари кўп бора таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалиги соҳасини янада тараққий эттириш, уни янги босқичга кўтариш йўлида тинмай иш олиб бораётган эзгу мақсадли қишлоқ мулкдорини кўрдик. Юртимизда ана шундай мулкдорлар янада кўпайишини ният қилдик.

Эркин ДОРИПОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Кўёш тафти пасайиб, кун анча салқин бўлиб қолди. Бахтиёр ақани пахта даласида учратдик. Хўжалик сувчилари Икром Усмонов, Улугбек Уроқов ва Шамси Жўраев билан экинларга оби-ҳаёт тараётган экан. — Хўжалигимиз ишчиси Икром ака уста деҳқонлардан, — дейди фермер биз билан саломлашган. — Унинг тавсиялари, кўрсатмалари асосида пахтадан ҳар йили 40-45 центнердан ошириб ҳосил олишга эришяпмиз. Бугун гўзага ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор қилишингиз айти палласи. Қаранг, қўсақлар тобора кўпайиб бормоқда. Ҳосил баракасини кўриб чарчогингиз унут бўлади.

Бахтиёр ақанинг қўллари беихтиёр енгил шаббодада тебранаётган гўза барглари синилади. Фермернинг даласига бўлган меҳр ва эътиборини сезиш қийин эмасди. Қўзлариде қувонч порлаб турарди.

— Еримизнинг асосий қисми чўл ҳудудда. Шўрлангани боис, йилига 2-3 маротаба шўр ювामиз. Йўқса, қўзлаган ҳосилни олиб бўлмайди. Бир оз бўлса-да бепарволик ярамайди. Эрта баҳордан чигитнинг серҳосил бўлган "Бухоро-6" навини экиб, бехато ундириб олдик. Шундан бери фермер хўжалиги аъзолари билан далада парванамиз. Ҳосил ривожини кўриб ёш боладек қувонамиз. Экин майдонининг ҳар гектарини 10-15 тоннадан маҳаллий ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантирдик. Бу йил ёз жуда иссиқ келди. Деҳқонни ҳар томонлама синовдан ўтказди. Мана, чанқаган экан, кечки салқин тушиши билан сўғоряпмиз.

Фермер билан дала айланарканмиз, гўзаларнинг баравжлигини, ҳосил чўгини кўриб қувондик. Деҳқончилик маданияти юқори эканлигига гувоҳ бўлдик.

Ҳа, айтганча, Бахтиёр ақанинг отаси — Ҳалим Самадов вилоятда ҳам донга чиққан ҳосилдорлардан. Отасининг галли, гўза парваришидаги фойдали маслаҳатлари ҳосилдорликнинг ошишида жуда қўл келмоқда. Онаси — Бегим ая Бозорова мактабда кўп йиллар ўқитувчилик қилган. Ҳар иккиси ҳам бугун фарзанду набиралар

Бунёдкорлик

Озод юртнинг обод гўшалари

Бугун қадимий ва навқирон Бухорода бўлиб, шаҳар ва қишлоқларини кезсангиз, кенг қўламли ўзгариш ва янгиликлардан кўзингиз қунади. Истиқлол йилларида қадим Бухоронинг иқтисодий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида янги тараққиёт даври бошланди. Юрtdошларимиз қалбида ободлик ва бунёдкорлик иштиёқи юзага чиқди. Вилоятнинг санаот, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш, шу асосда аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиб бериш йўлидаги сай-ҳаракатлар ўз самараларини бераётир.

дислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, баҳова, кенг ва қулай тарзда барпо этилаётгани аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришга хизмат қилади.

Олим Розиков раҳбарлигидаги "Сариосиё" хусусий корхонаси қурувчилари Қилчок мавзесида 8 уйни қуриб битказишди. "Қишлоқ қурилиш инвест" 15 турда қурилиш маҳсулотларини ўз вақтида етказиб берди. Бу эса қурилиш ишлари сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлади.

— Тараққиёт, юксалиш, ободлик ва фаровонлик ўз-ўзидан бўлмайди, — дейди "Қишлоқ қурилиш инвест ИК" МЧЖ Бухоро вилоят филиали техник назоратчиси Жаббор Жалилов. — Бугун вилоятимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари кўркамлашиб, чирой очиб бормоқда. Бу ишларда қалби қайнок, янгиликка интилувчан ёшларимиз ҳам фаол иштирок этаётгани кишини қувонтиради. Ҳар бир ишимизни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажариш ҳаракатидаимиз.

Бахтиёр Мухаммадов раҳбарлигидаги "Бунёдкор қурилиш сервис" МЧЖ қурувчилари "Беруний-2" мавзесида намунавий лойиҳалар асосида 9 уй-жой барпо этишди. Барча қулайликка эга 4 хоналик уйлари муддатидан аввал битказиб, эгаларига топширишди. Шунингдек, "Беруний-1" мавзесида Раҳмат Тоиров раҳбарлигидаги "ХКМК-201" 7 та, Бахтиёр Аслонов раҳбарлигидаги "Вобкент бунёдкор таъмир" МЧЖ 5 та, Зоҳид Нуров раҳбарлигидаги "Қурувчи Феруз" МЧЖ 7 та, Қаҳрамон Нейматов раҳбарлигидаги "Роҳент қурилиш сервис" МЧЖ 7 та ҳамда Мухторжон

Вобкент туманида ҳам бунёдкорлик завоқи билан яшаётган қўлаб юрtdошларимизни учратиш мумкин. Бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган янгиликлар жараянлари туманининг ҳар бир гўшасида ўз ифодасини топмоқда. Янгидан-янги иншоотлар, спорт мажмуалари, маҳаллалар бунёд этилмоқда. Энг олис қишлоқларда ҳам гухта ўйланган лойиҳалар асосида, сифатли қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда намунавий уй-жойлар қурилаётгани юрtdошларимизни қувонтираётгани рост. Мустақиллик байрами арафасида туманининг Қилчок, "Беруний-1" ва "Беруний-2" мавзелирида ана шундай 50 замонавий уй-жой ўз эгаларига топширилди. Янги уй-жойлар табиий иқлим шароити ва замонавий муҳан-

"ВОБКЕНТ ҚУРИЛИШ САВДО" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барчани энг улуг, энг азиз байрам —

Мустақилликнинг 24 йиллиги

билан самимий табриқлайди.

Осимонимиз мусаффо, юртимиз тинч, Ватанимиз мустақиллиги абадий бўлсин!

Эркин йўлдош, "Milliy tiklanish" мухбири

Диққат танлов

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўлаб-қувватлаш Жамоат фонди

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги байрами муносабати билан "Ўзбекистон халқларининг маданий-тарихий меросини, мамлакатимизда мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг турли соҳаларида эришилган ютуқларни оммалаштириш бўйича фуқаролик жамияти институтларининг лойиҳаларини қўлаб-қувватлаш" мавзуида

давлат грантлари ажратиш учун қўшимча танлов эълон қилади

Танловга давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйидаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда лойиҳалар қабул қилинади:

- 1. Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъати, машҳур шахслар, республикада мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг турли соҳаларида эришилган ютуқлар тўғрисида чет тилларда ахборот тайёрлаш ва Интернет тармоғининг махсус қомусий манбаларида жойлаштириш.
2. Ўзбекистон маданияти, санъати ва адабиёти, мамлакатимиздаги мавжуд меъморий ва тарихий ёдгорликлар, ЮНЕСКО бутунжаҳон маданий мероси объектларининг ёрқин намуналари тўғрисидаги ахборотни хорижий аудитория ўртасида тарғиб этиш.
3. Ўзбекистон халқларининг бой тарихий-маданий меросини акс эттирувчи ноёб экспонатлар мавжуд бўлган мамлакат музейлари тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаш ва Интернет тармоғи орқали тарқатиш.
4. Ўзбекистон халқларининг номоддий маданий меросини (халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати, фольклор ёдгорликлари, миллий байрамлар, фестиваллар, миллий таомлар ва бошқалар) хорижий аудитория ўртасида оммалаштириш.
5. Туризмнинг тарихий-илмий, экологик, фаол, гастрономик ва бошқа турларини хорижий аудитория ўртасида оммалаштириш орқали Ўзбекистоннинг сайёҳлик ҳамда маданий-тарихий жозибадорлигини кучайтириш.
6. Интернет тармоғида Ўзбекистоннинг бетақрор табияти, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бағишланган махсус манбаларни чет тилларда вужудга келтириш.
7. Хорижий аудитория ўртасида Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданиятини оммалаштиришга, мамлакатимизнинг тарихий-маданий меросига, табиятининг гўзаллиги ва хилма-хиллигига қизиқиш уйғотишга қаратилган фототанловлар ташкил этиш ва ўтказиш.
8. Жамиятда миллатлараро тотувлиқни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи турли миллат ва эллатар акиллари ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва маросимларини сақлаш ҳамда ривожлантириш бўйича мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида халқаро жамоатчиликни хабардор қилиш.
9. Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатининг муҳим жиҳатларини, ўтказилаётган сиёсий-ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижаларини акс эттирувчи ҳосил ва ишончли ахборотни инглиз ҳамда бошқа чет тилларида тарқатиш мақсадида Интернет тармоғида махсус сайтларни ишлаб чиқиш ва яратиш.
Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур:
1. Лойиҳага оид талабнома тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати.
2. Давлат гранти учун www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда ёзилган лойиҳага оид талабнома.
3. Ташкилот давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма нусхаси.
4. Ташкилот муҳри билан тасдиқланган уставнинг кўчирма нусхаси (охирги ўзгариш ва қўшимчалари билан).
5. Агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг кўчирма нусхаси.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари, илтимосномалари илова қилиниши мумкин.
Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.
Ҳужжатлар 2015 йил 29 августдан 6 октябрга қадар қабул қилинади.
Ҳужжатлар 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уйда жойлашган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўлаб-қувватлаш Жамоат фонди" номига юбориладиган "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) қабул қилинади.
Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

НИШОН ТУМАН ҲОКИМЛИГИ "ОБОДОНЛАШТИРИШ" БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ барча юрtdошларимизни ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИК байрами билан мубораққод этади! Халқимиз манфаатларига хизмат қилаётган бунёдкорлик ишларимиз янада ривож топаверсин!

Бизнинг шарҳ

# Аргентина миллий конгресси

икки палатали бўлиб, депутатлар 4 йил, сенаторлар 6 йил фаолият кўрсатиш имкониятига эга



Аргентина Жанубий Америкадаги давлат. Атлантика океани соҳилида жойлашган бўлиб, қитъанинг жануби-шарқий, Оловли ер оролининг шарқий қисми ҳамда бир қанча ороллари эгаллайди. Маъмурий жиҳатдан 22 вилоят (провинция), федерал (пойтахт) округи ҳамда Оловли Ер ҳудудига бўлинган. Майдони 2 миллион 767 минг квадрат километр. Аҳолиси 40 миллион киши. Давлат тили — испан. Амалдаги конституцияси 1994 йилнинг 24 августидан қабул қилинган. Давлат бошлиғи — Президент. Президент ва вице-президент 4 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият — Миллий конгресс (парламент). Конгресс икки палата: Сенат ва Депутатлар палатасидан иборат. Сенат аъзолари мамлакатдаги 22 вилоят, пойтахт федерал округи ҳамда Оловли ер миллий ҳудудидан сайланадиган 72 сенатордан иборат. Депутатлар палатасида эса 257 депутат фаолият юритмоқда.

Парламент қонун чиқаришдан ташқари ҳар йили миллий бюджетни тасдиқлаш, солиқлар жорий қилиш, вилоятларга субсидиялар тақдим этиш, федерал банкларни тузиш ҳамда уларнинг ишини тартибга солиш, маъмурий ҳудудий бирликларга маблағ ажратиш (ҳукумат дастурига мувофиқ тарзда), ички ва ташқи давлат қарзларини тўлашни тартибга солиш каби ваколатларга эга. Бундан ташқари, қонун чиқарувчи орган фуқаролик, меҳнат, жиноят, кон санаоти, ижтимоий хавфсизлик кодексларини қабул қилади. Маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш, таълим, sanoat тараққиёти, иммиграция билан боғлиқ масалаларни ҳал этади. Парламент судларни тузади, умумий амнистия эълон қилади, халқаро шартномаларни ратификация ёки рад этади. Шунингдек, парламент ижро ҳокимияти устидан назоратни амалга ошириш ҳуқуқига ҳам эга.

Конгрессга сайловлар тўғрисидаги қонун овоз бериш йўли билан ўтказилади. Парламентда ҳар икки йилда депутатларнинг тенг ярми, сенаторларнинг учдан бир қисми янгиланиб туради. Сайловлар 24 участкада ўтказилади. Сенат аъзолари ваколат муддати 6, депутатларники 4 йил

этиб белгиланган. Депутатлар умумий, тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайланади. Парламент аъзолари қайта сайланиш ҳуқуқига эга. Сенат раиси мамлакат вице-президенти сифатида ҳам фаолият юритади. Мамлакат ҳудудида камида 4 йил муқим яшаган, сайловга қадар 25 ёшга тўлган Аргентина фуқароси парламент аъзоси этиб сайланади. Депутат ва сенаторларнинг дахлсизлик ҳуқуқи палаталар қўшма қарорига мувофиқ бекор қилиниши мумкин. Конгресс сессиялари йилнинг 1 мартдан 30 ноябрга ораллида ўтказилади. Бироқ Президент муҳим масалалар юзасидан навбатдан ташқари сессияни чақириш ҳуқуқига эга. Яқин-яқингача сайловларда фақат 18 ёшга тўлган фуқаролар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган. 2012 йилнинг ноябрида парламент қабул қилган "Ёш овозлар тўғрисидаги" қонунга биноан умумхалқ сайловларида 16 ёшга тўлган фуқаролар ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

2009 йилда Аргентинада 697 сиёсий партия рўйхатга олинган. Жорий йилда амалга оширилган ислохотлар натижасида партиялар сони 486 тага қисқартирилди. Ҳозирги кунда мамлакатда ўнлаб етакчи сиёсий партия фаолият юритмоқда. Улар орасида Хустисиалистлар мамлакатдаги

етакчи партиялардан бири бўлиб, унга 1947 йили асос солинган. Партиянинг асосий мақсади — давлат суверенитетини сақлаш, Аргентинанинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ҳамда адолатли ижтимоий ҳаётни қурishга қўмаклашишдан иборат. 2003 йилда партия "Галаба учун кураш", "Федерал перонизм" ва Марказий фракцияларга бўлиниб кетди. Улар сайловлар вақтида ўз номзодларини алоҳида кўрсатади. Масалан, "Галаба учун кураш" партияси 2005 йилда ўтказилган парламент сайловида Депутатлар палатасида 127, Сенатда эса 24 ўринни қўлга киритиб, парламентдаги етакчи партиялардан бирига айланган. Бироқ 2009 йилда ўтказилган сайловларда паст кўрсаткични қайд этиб, сайловчиларнинг 30,8 фоиз овозини қўлга киритди, холос.

Фуқаро радикал иттифоқи эса кўҳна буржуа партиялардан бўлиб, 1891 йилда ташкил топган. Депутатлар палатасида партиянинг 42 вакили фаолият юритмоқда. Фуқаролик коалицияси партияси эса Президент ва парламент сайловларида "Галаба учун кураш" партиясининг асосий рақобатчиси ҳисобланади. Партия 2009 йилда юзага келган инқироз пайтида, болаларга нафақа бериш ташаббусини илгари сурганди. 1896 йилда ташкил топган Социалистлар партияси 2011 йилги Президент сайловида иккинчи натижани қайд этди. Аини пайтда улар ўзларини асосий мухолифат партия сифатида эълон қилишган. Республика тақлифи иттифоқи янги сўл марказлардан ҳисобланиб, 2005 йилда ташкил топган.

2012 йилнинг биринчи ноябрида

қабул қилинган қонунга кўра, сайловда 16 ёшдан 75 ёшгача бўлган фуқароларнинг қатнашиши шарт. Сайловда қатнашмаган фуқаролар икки ой ичида саломатлиги ёмонлигини тасдиқловчи ёки турар жойидан 500 чақиримдан узоқроқ масофада бўлган тўғрисида маҳаллий полиция бўлинимасидан олинган маълумотномани тақдим этиши лозим. Узрли сабабларсиз сайлов участкаларига бормаган фуқаролар жаримага тортилади. Бундан ташқари, қонунга иттифоқ қилмаган фуқаролар 3 йил давомида давлат ташкилотларида ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилади.

Аргентина парламенти сўнги йилларда ўз фаолияти давомида қатор муҳим қонунларни қабул қилди. Ўтган йилнинг 3 майида парламент мамлакатдаги энг йирик "Yacimientos Petroliferos Fiscales" компаниясини давлат назоратига ўтказиш ҳақидаги қонунни тасдиқлади. Орадан кўп вақт ўтмай давлат нефть тармоғига хорж сармояларини жалб этиш тўғрисидаги янги қонунни қабул қилди. Унга кўра чет эл компанияларига бир қатор имтиёзлар берилган. Сабаби бугунги кунда "Петронас", "Шеврон" ва "Эксон Мобайл" каби йирик нефть компаниялари мамлакатдаги қонунни ўзлаштиришга катта қизиқиш билдирмоқда. Мухолифат тарафдорлари бунга қарши чиқиб, ҳукуматни қонунга зид равишда хоржиликларга стратегик мажмуаларни ишониб топширганликда айбламоқда. Шу йилнинг февраль ойида парламент мамлакат жанубидаги Неукен вилоятида Хитойга тегишли сунъий йўлдошларни кузатишга ихтисослашган станциянинг қурилишига рухсат берди. Лойиҳа қиймати 300 миллион доллар атрофида бўлиб, бу Хитойнинг келгусида Ойни ўзлаштириш борасида ташлаётган дастлабки қадамидир.

Аргентина парламенти аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратаётир. Бундан 4 йил муқаддам парламент жамоат жойларида чекишни тақиқлаш тўғрисидаги қонунни бир овоздан маъқуллаган. Ушанда депутатларнинг 181 нафари ушбу қонунни ёқлаб овоз берган, бор-йўғи бир депутат бунга қарши чиққанди. Айтиш жоиз, бугун мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми, яъни 8 миллион нафари кашандаликка ружу қўйган. Мамлакатда ҳар йили 40 мингга яқин одам чекиш туфайли ҳаётдан кўз юммоқда. Расмий маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда Аргентинада 450 минг бола меҳнатидан ишчи кучи сифатида фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатилган. Қўйи палата 2012 йилда қабул қилган қонунга мувофиқ, қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон санаоти ҳамда маийш хизмат кўрсатиш корхоналаридаги оғир ишларга 16 ёшга тўлмаган болаларни жалб этиш маън этилди.

Аргентина жорий йилда йирик сиёсий воқеа — Президент сайлови арафасида турибди. Шу йилнинг 9 августидан бўлиб ўтган бошланғич сайловларда камида 1,5 фоиз овоз олган шахслар 25 октябрь куни ўтказиладиган президентлик сайловида номзод сифатида рўйхатга олинди. Бошланғич сайловда "Галаба учун кураш" партияси вакили Даниэль Сциоли 36,43 фоиз овоз билан галаба қозонган бўлса, кейинги ўринларни "Республика тақлифи" ҳамда "Янгиланиш fronti" партияси вакиллари қўлга киритди. Октябрда сайланадиган давлат раҳбари жорий йилнинг 10 декабридан 2019 йилнинг 10 декабригача фаолият юритиш ваколатига эга бўлади.

Азимжон ПЎЛАТОВ

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

### Нуқсон бартараф этилади

АҚШнинг "Apple" компанияси нуқсонли бор смартфонларни қайтариб олади.

Гап шундаки, 2014 йил сентябридан жорий йилнинг январига қадар сотилган "iPhone 6 Plus" мобиль алоқа воситалари камерасида камчилик аниқланган. Уларнинг сони ҳозирча ноъмалум. Бироқ компания унча кўп эмаслигини айтмоқда. Харидорлар смартфон суратга туширган тасвирнинг тиниқ эмаслигидан шикоят қилишмоқда. Компания барча қайтариб олинган телефонлардаги камчиликларни бепул бартараф этишни ўз зиммасига олди.



### Принтерли фотокамера намоиш этилди

Германиянинг Берлин шаҳрида ўтказилган "IFA 2015" кўргазмасида "Polaroid" компаниясининг "Snap" деб номланган янги қурilmаси намоиш қилинди.

Бу — ихчам ва кичик ҳажмдаги принтерли фотокамера. Принтерда бир неча қатламли махсус кристаллик модда сақловчи қоғоздан фойдаланилади. Бу моддалар қизиганда аморф ҳолатга ўтади ва қоғозда тасвир пайдо бўлади. Фотоаппаратда 50x75 миллиметр ўлчамдаги суратларни олиш мумкин. Битта суратни чоп этиш учун бир дақиқа вақт кетади.

"Snap" бир неча хил, жумладан, оқ-қора режимда ҳам ишлайди. 10 сониялик таймер автопортрет ёки гуруҳ бўлиб тушадиган суратларни олишда ёрдам беради. Янги фотоаппарат жорий йилнинг 4-чорагида сотувга чиқарилиши режалаштирилган.



### Рекордчи қўй

Австралияда Крис лақабли қўйнинг жунини биринчи бор қирқиб олинди. "The Daily Mail" газетасининг ёзишича, жонивордан тахминан 40 килограмм жун чиққан.

Жониворларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлишга қарши курашиш Қироллик жамияти (RSPCA)нинг маълум қилишича, Крис ўзини яхши ҳис этмоқда. У бир қанча муддат назорат остида бўлади. Қироллик жамияти яқин орада жониворга янги бошпана топилишига умид билдирмоқда. Тахминларга кўра, Крис икки йил олдин сурувдан ажралиб, ўз ҳолича яшаган.

Қўй жунини ўз соҳасида тўрт қарра Австралия чемпиони бўлган Йен Элкинс қирқиб олган. Айтиш кераки, бу борадаги рекорд натижага беш йил олдин Янги Зеландияда Шрек лақабли қўй 27 килограммлик натижа билан эришган эди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

## “ҒАРБҒАЗТАЪМИНОТ” УК

## “Навоий шаҳаргаз” филиали жамоаси


Ўзбекистон халқини энг улуг ва энг азиз байрам —

## Мустақиллигимизнинг

24 йиллик

байрами билан чин

дилдан муборакбод этади!



# ЖОНДОР ТУМАНИДАГИ “ЖОНДОР ЧАШМАСИ” МЧЖ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни Ватанимиз

## МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИК

байрами билан табриклайди.



ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!

# ЖИЗЗАХ ТУМАНИДАГИ “ОҚ ЧАШМА САХОВАТИ” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ жамоаси

меҳнаткаш, бағрикенг,  
бунёдкор халқимизни


## Ватанимиз МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИК

шодиёнаси  
билан  
муборакбод  
этади.



ЭРКИМИЗ, ШОНУ ШАВКАТИМИЗ БОҚИЙ БЎЛСИН!

Марказий Осиё ва Кавказорти давлатларида кенг тарқалган, дуккакли экинлар оиласига мансуб нўхат — қадимий манбаларда “ҳиммас” деб аталган. Олимларнинг айтишича, у юз дардга даво. Шу боис халқимиз уни севиб истеъмол қилади.



Асосан, лалмикор ерларда етиштириладиган нўхатнинг оқ, қизил, қора ва ёввойи ясимксимон турлари бор. Узининг озуқавий қиймати жиҳатидан мазали, хушхўр ва тўйимли ҳисобланади. Нўхат турли суюқ овқатларда ишлатилади. Бугдой унига 10-15 фоиз нўхат уни қўшиб, нон, макарон ва кондитер маҳсулотлари тайёрланганда, уларнинг сифати яхшиланади. Оқ нўхат иссиқ ва қуруқ, қора нўхат эса кучлироқ бўлади. Нўхат ундан тайёрланган холвайтар товушни тиниқлаштиради ва ўпкани озиклантиради. Айниқса, қора ва ёввойи ясимксимон хили талоқ ва жигар тўқималарини очади. Қора нўхатнинг қайнатмаси бодом ёғи, турп ва петрушка билан истеъмол қилинса, қовуқ ва буйрақдаги тошларни майдалайди.

Нўхатни истеъмол қилишдан ташқари ундан малҳам сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. У бадандаги нуқтали қонталашларни кетказади ва йиринглашган жойни даволайди. Нўхат ёғи темирлаткига, уни эса саратон яраларига шифодир. Шунингдек, у бошдаги тошмаларни йўқотади, ивигилган суви тиш огриғи ва милдаги шишларга, қолаверса, сарик касаллигига қарши самарали даво ҳисобланади.

### БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги энг тўпурар дарвозабон Бразилиянинг “Сан-Паулу” клуби аъзоси Рожерио Сени ҳисобланади: фаолияти давомида рақиблар дарвозасига 130 гол урган.

Дунёдаги энг узун варрак Хитойда ясалган бўлиб, 6 минг метрни ташкил қилади. Уни ҳавога кўтариш учун тахминан 6-8 соат вақт кетади.

### ТУРФА ОЛАМ

## Қадимий ибодатхона

Грузияда жойлашган Граклиани тоғида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида қадимий ибодатхона қолдиқлари топилди.



Олимлар ибодатхона деворида ўша даврга оид қисқа битикларни ҳам аниқлашга муваффақ бўлди. Грузия маданият вазири топилма аниқланган ҳудудда музей ташкил этилишини маълум қилди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Граклиани тоғида 2007 йилдан буён археологик қазилма ишлари олиб борилади. Бунга қадар бу ердан эразмиздан аввалги биринчи минг йилликка оид турар жой бинолари, хўжалик хоналари ҳамда ибодатхона қолдиқлари топилган эди.

## Зерикишни аниқлайдиган илова-дастур

“Telefonica Research” компаниясининг Барселона шаҳрида жойлашган лабораторияси мутахассислари “Android” операцион тизимида ишлайдиган смартфонлар учун фойдаланувчининг зериқётганини аниқлай оладиган илова-дастур ишлаб чиқди.

Тадқиқот раҳбари Мартин Пелонинг айтишича, мазкур дастур фойдаланувчи смартфондан қанчалик кўп фойдаланаётганига асосланиб, хулоса чиқаради. Буни аниқлаш учун кун қисми, сўнгги кўнғироқ ва SMS хабарларидан кейин қанча вақт ўтгани ҳақидаги маълумот ва бошқа турли омиллар ҳисобга олинади.



Дастлабки синов натижаларига кўра, 83 фоиз ҳолатда илова-дастур фойдаланувчиларнинг зериқётганини тўғри аниқлай олган. Хулосаларни текшириш учун алоҳида тажриба ўтказилди: илова-дастур зериқётган фойдаланувчиларга BuzzFeed.com сайтдан мақолалар юборган. Маълум бўлишича, зериқётган фойдаланувчилар бошқаларга нисбатан бу сайтга кўпроқ кирган ва узок вақтини ана шу сайтда ўтказган.

Аҳмад ЮСУПОВ тайёрлади

“Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” давлат унитар корхонаси жамоаси Тошкент ахборот технологиялари университети профессори

Омонжон АБДУАЗИЗОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

### Нашр

## Журналнинг янги сони

“Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” илмий-маърифий журналининг 3-сонини нашрдан чиқди

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида чоп этилган журналда истиқлол йилларида мамлакатимизда жамиятни янада демократлаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда мустақамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳақида сўз боради.

Журналнинг “Энг улуг, энг азиз байрам шукҳи” сарлавҳали бош мақоласида истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб дунё таърибасини ҳар томонлама ўрганиш асосида мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш дасту-

ри ишлаб чиқилгани, унда миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва мустақамлаш, умумбашарий қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш орқали Ўзбекистоннинг жаҳон ҳам-жамияти билан уйғун ва ҳамоханг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилгани ёрқин мисоллар асосида таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Бахтиёр Мирбобоевнинг “Парламент назорати — давлат ҳокимияти шохобчалари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимида муҳим механизм сифатида” мақоласида эса

мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотлар моҳияти, аҳамияти ва юксак самаралари ҳақида сўз юритади.

Мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти, тарих фанлари номзоди Нилуфар Жўраеванинг “Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфа-

атлари давлат ҳимоясида” мақоласида айни мавзу қаламга олинган. Унда дунё ҳамжамиятида аёлларнинг мавқени юксалтириш ва манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда турли тадбирлар ҳақида кенг маълумот берилган.

Бундан ташқари, журнал саҳифаларида берилган “Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамиятнинг асоси”, “Ўзбекистонда чет эл фуқароларининг меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари”, “Аҳоли бандлигини таъминлаш — ижтимоий ҳимоянинг мақбул йўли”,



“Ижтимоий шериклик муносабатлари: миллий ва хорижий таъриба” каби мақолалар ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Ўз муҳбиримиз

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Сувон НАҲИДДИНОВ, Мухаммаджон КУРОНОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исमत ХУДОЕВОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Бехзод НОРБОВ  
**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темуր кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
Газета таҳририят компьютер марказида териштирилади ва саҳифаланди  
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи уринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.  
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2 «ШАРҚ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

